Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 10 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 89 (7388)

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



ВЕНА КИНОФЕСТИВАЛИДА ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ

Австрия пойтахтида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган анъанавий ретроспектив фильмлар фестивалида мамлакатимиз "Аччиқ мева", "Сиз кимсиз?" фильмлари, шунингдек, "Қоракўл", "Ўролқум" ва "Ташналик" каби қисқа метражли фильмлар билан иштирок этди.

ЙИҒИЛИШ

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида Чехия Республикаси фотосурат усталарининг кўргазмаси очилди. Унда MILAN ижодий гуруҳига бирлашган 14 нафар ёш чех фотографининг 56 та сурати намойиш қилинаётир.

СЕМИНАР

Андижонда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида иқтисодий-ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

- **Америка авиацияси Афғонистон шимолидаги толиблар позицияларига ҳаво зарбаларини давом эттирди. Ҳарбий ҳаракатларни бошқараётган генерал Томми Фрэнкс агар Шимолий иттифоқ мустақил равишда ҳаракат қила олмаса, АҚШ томони уларга ер усти ҳарбий кучлари билан кўмак бериши эҳтимолдан холи эмаслигини айтди.**
- **Покистон президенти Первез Мушарраф ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Лондонда бирдамлик декларациясини имзоладилар. Мушарраф терроризмга қарши халқаро коалицияни қўллаб-қувватлашини айтган ҳолда, ҳарбий ҳаракатлар келаётган Рамазон ойида тўхтатилиши истагини билдирди. Тони Блэр ўз навбатида мусулмонларнинг диний туйғулари ҳисобга олинишини, бироқ кампания ўз мақсадига эришмагунча ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилмаслигини айтди.**
- **Атлантада 5 минг кишилик аудитория олдида чиқиш қилган АҚШ президенти Жорж Буш америкаликларни терроризмга қарши курашда янада жипслашишга чақирди.**
- **Учта япон ҳарбий кемаси Саэбо портидан Ҳинд океани томон йўлга чиқди. Улар терроризмга қарши кураш компаниясида иштирок этадилар. 1945 йилдан кейин япон ҳарбийлари илк бор ўз давлатлари ҳудудидан бошқа жойда ҳарбий операцияларда иштирок этадилар.**
- **Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов бугун Америкининг Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюриб, Россия Президенти Путиннинг мазкур давлатга қилган ташрифидаги ҳар икки томонлама олиб борилган музокараларни якунлаб қайтади. Шунингдек, И.Иванов ушбу ташрифи чоғида БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро сиёсий майдонда юз бераётган воқеалар муносабати билан ўтказилиши кутилаётган 56-сессиясида ҳам қатнашиши кўзда тутилмоқда. Бу борада ҳозирданоқ Россия ташқи ишлар вазирлиги ўзаро Америка давлат котиби Колин Поуэл ҳамда хитойлик ҳамкасблари билан музокараларни бошлаб юборишган.**

O'qituvchi — 2001

"Йил ўқитувчиси-2001" республика кўрик-танлови иштирокчиси, Термиз шаҳридаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Зиёвуддинова ўқувчилар фаоллигини оширишга қаратилган педагогик маҳоратини намойиш эта билди. Гап шундаки, у Миробод туманидаги 110-мактабда ўтган очиқ дарсини "Ўйин, мусобақа" усулида олиб борди. Ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб, уларни баҳс-мунозарага чорлади, энг фаолларига байроқчалар тақдим этиб рағбатлантирди. Шу билан бирга Н.Зиёвуддинова ўқиш дарси давомида ўғил-қизларга мақоллар, тез айтишлар айттириб, уларнинг билимларини янада мустаҳкамлади.

Айни пайтда, у дарсни ҳозирги кун билан боғлаб, "Бозорда" саҳнаси орқали ўқувчиларни бизнес, иқтисод, нарх, товар сингари тушунчалар моҳиятидан бохабар қилди. Умуман, Нодиранинг ўғил-қизларни ҳайратлантириш, фаолликка ундаш борасидаги изланишлари мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Суратда: изланувчан ўқитувчи Нодира Зиёвуддинова "Рўзғор дафтари" мавзусидаги очиқ дарсни кўргазмалилик асосида олиб бораётир.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Энг чиройли қўшиқсан, Ватан! 2-бет

Академик лицейларда аҳвол қандай? 4-бет

Ўқувчи китоб ўқийди(ми?) 7-бет

Гиппократ қасамёди 12-бет

Адолат кўзгуси 3-бет

Тўти Юсупова: «Саҳна — ҳаёт мактаби» 5-бет

Муштарийлар «Ma'rifat»дан нималарни кутишмоқда? 9-бет

Тоғ Сулаймоннинг олдига келганда... 16-бет

Икки ой қаттиқ меҳнат қилинганди, бино қад ростлади. Аввалгисидан анча катта, кўркам, замонавий ва албатта, ҳашаматли иншоот барпо этилди.

Munosabat

ТИНЧЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

Маълумки, шу кунларда Америка Қўшма Штатлари томонидан Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида олиб борилаётган амалий ҳаракатлар бутун жаҳон аҳлининг диққат марказида турибди. Бу курашда дунёдаги кўплаб давлатлар, тараққийпарвар кучлар АҚШ билан бирдамлигини баён этиб, уни қўллаб-қувватламоқда.

АҚШда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунё ҳамжамияти бу офат инсониятга қай даражада таҳдид солиб турганини англаб етди. Бу, офат умумбашарий хавфга айланганлиги, унга эътиборсизлик билан қаралганлигининг оқибатидир. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида, шунингдек, Истамбул саммитида халқаро терроризм инсониятга катта хавф туғдираётганидан дунё жамоатчилигини огоҳ этган эди. Терроризмнинг нима эканлигини халқимиз яхши биларди. 16 февраль воқеалари, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб киришга уринган террорчи гуруҳларнинг қора қилмишларидан бегуноҳ одамларимиз қурбон бўлганлигини халқимиз унута оладими? Ёки Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни унутиб бўладими?

Барчага сир эмас, Афғонистон наркотик моддалар етиштириб чиқаришда Жанубий Америкадаги Колумбия, Жануби-Шарқий Осиёдаги Таиланд давлатларидан ўзиб кетди. Охирги маълумотларга қараганда, Афғонистонда бир йилда 6 минг тоннага яқин наркотик моддалар етиштириларкан. Энди бир тасаввур қилайлик, шундай катта миқдордаги наркотик моддалар қаердан ўтиб ва қайси давлатларни ўз гирдобига тортади. Неча миллионлаб ёшлар гиёҳвандлик балосига учрайди. Ҳақиқатан ҳам гиёҳвандлик аср вабоси. Афғонистондаги наркобизнес ва терроризм иллатига қарши кураш бу битта мамлакатнинг иши эмас, аксинча, бутун дунё ҳамжамияти бир тан, бир жон бўлиб курашиши лозим. Уни илдизи билан йўқотишнинг бирдан-бир йўли — дунё ҳамжамиятининг биргаликда унга қарши аёвсиз курашиши бўлиб қолди.

Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти доимо нафақат минтақалар, балки дунё миқёсида тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тарафдори бўлиб келган. Дунёдаги барча соғлом кучлар терроризм балосига қарши курашаётган, уни тагтомири билан қўпориб ташлашга ҳаракат қилаётган бир пайтда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти, ривожланган давлатлар билан бирга бўлиши табиий ҳолдир. Чунки, терроризм бутун инсоният тараққиётига раҳна солмоқда, унинг олди олинмаса, XXI аср вабосига айланиши аниқ.

Абдуқаюм АЗИМОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ БЎЛДИ

Тошкент вилояти мактабларида ўқувчиларга "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанларидан дарс берувчи бир гуруҳ ўқитувчилар 7 ноябрь куни Тошкент туманидаги 9-мактабда йиғилиб, соҳага оид муаммолар юзасидан фикрлашиб олдилар. Таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини таълим тизимига сингдириш мақсадидаги "Миллий истиқлол — давр талаби" мавзусидаги амалий семинарни Халқ таълими вазирлигининг бош бошқарма бошлиғи ўринбосари Шукур Пўлатов кириш сўзи билан бошлаб берди. Шундан сўнг муаллимлар ушбу фанлар бўйича тузилган дарсликлар муаллифларидан Санобар Нишонова ва Ойша Ҳасанбоевага ўзларини қизиқтирган саволлар, қийнаётган муаммо ва масалалар юзасидан мурожаат қилиб, етарлича жавоб, мулоҳаза, йўриқлар олдилар. Дарслик муаллифлари дарсликларнинг яратилиши жараёнлари, моҳияти, мақсади ҳақида сўзлаб, уларда акс этган ғояларни ёшлар онгига сингдириш асосан ўқитувчиларнинг зиммасида эканлиги, буни улар теран англаб, мақсадга эришиш учун ўз устларида тинмай ишлашлари лозимлигини айтишди.

Семинар охирида ўқитувчилар ушбу юзма-юз мулоқот улар учун фойдали бўлганлигини айтиб бундай учрашувлар кўплаб бўлиши истагини билдиришди.

Ҳусан НИШОНОВ

БАРЧАГА ЎРНАК — БЕКТЕМИР

Шу кунларда обуна мавсуми қизғин кетмоқда. Биз ушбу масала юзасидан ТШХТББ бош мутахассиси Сайёра Акромова билан қисқача суҳбатлашдик.

— Пойтахтда обуна ишларига муносабат қандай кетмоқда?

— Пойтахт зиёлилари газета-журналларсиз ўз фаолиятларини тасаввур этолмайдилар. Шаҳримиздаги кўпгина мактаблар обуна ишини жонлантириб юборган. Бу борада айниқса, шаҳарнинг Юнусобод, Шайхонтоҳур туманлари доимгидек олдинги сафларда боришмоқда. Эътиборлиси, ҳокимликлар томонидан Шайхонтоҳур туманига 3,5 миллион, Акмал Икромов туманига 1.356.000 сўмлик маблағ ажратилган. Бундан ташқари Мирзо Улуғбек тумани таълим муассасаларида "Учитель Узбекистана", Бектемир туманида "Маърифат" газеталарига "Таълим тараққиёти", "Мактабгача таълим", "Бошланғич таълим" каби журналларга обуна бўлишга муштарийларнинг масъулият билан ёндошаётганлиги қувонарлидир.

"Obuna-2002"

Ҳозир Бектемир тумани зиёлиларини барчага ўрнак қилиб кўрсатсак янглишмаймиз. Чунки ТХТБ мудири Шоабдулла Шоаҳмедов ташаббуси билан обуна мавсумига туманда алоҳида эътибор қаратилган.

М.ВАЛИЕВА

МММда СЕМИНАР

Куни кеча Миллий Матбуот Марказида Очиқ Жамият Институти Кўмак Фонди ташкил этган "Иқтисодиёт фанини ўқитишда интерфаол усуллар" мавзусидаги тўрт кунлик семинар якунланди. Унда мазкур Фонднинг директори Ален Делетроз ҳамда республикамизнинг барча вилоят ва туманларидан келган услубчилар иштирок этдилар. Ўтказилган семинарнинг мақсади юртимизда мактаб ўқувчиларининг иқтисодий тафаккурини ўстиришга қаратилган. Асосий муаммо эса ўзбек тилидаги ўқув қўлланмаларининг етишмаслигидир. Семинар иштирокчилари ўзларининг фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Жумладан, ушбу семинар иштирокчиси Жиззах шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг "Иқтисодий билим асослари" фани ўқитувчиси А.Шодмонов шундай деди:

—Фонд томонидан ташкил этилган ушбу семинар айни вақтида ташкиллаштирилди, деб ўйлайман. Негаки, юртимизга янгича фикрлайдиган ва янгича тафаккурга эга бўлган ёшлар керак. Яқинда Е.Сариқов ва Б.Ҳайдаровлар муаллифлиги остида 8-синф ўқувчиларига мўлжалланган лотин алифбосида янги дарслик нашрдан чиқди. Ўйлайманки, ушбу дарслик ҳамда семинардан олган билимларимиз бизга ўқувчиларга мазкур фандан дарс ўтишимизда катта ёрдам беради.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА

ЭНГ ЧИРОЙЛИ ҚЎШИҚСАН, ВАТАН!

Ватанни мадҳ этиш, уни куйга, қўшиққа солиш ҳар бир инсонга ҳузур бағишлайди.

Куни кеча Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Маърифат" бош муҳарририяти билан ҳамкорликда ташкил этилган "Энг чиройли қўшиқсан, Ватан" кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танловда мактаб ўқувчилари Ватан, она-юрт, халқ тинчлиги ва фаровонлиги мадҳ этилган қўшиқлар куйлаб иштирок этишди.

Энг яхши қўшиқ ижрочиси деб, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 64-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Сарвиноз Ҳасанова эътироф этилди. 2-ўринга Тошкент вилояти Бўка туманидаги 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шерали Ҳамроқулов лойиқ кўрилди. Учинчи ўрин Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани 99-мактаб 3-синф ўқувчиси Шаҳноза Йўлдошевага насиб этди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Маърифат" таҳририяти раҳбари А.Носиров сўзга чиқиб, ғолиб ўқувчиларнинг қўшиқлари радиотўлқинлар орқали эфирга узатилишини айтиб ўтди.

Тадбирда халқ таълими вазирлигининг "Маънавий ва маърифий ишлар" бошқармаси бошлиғи Ж.Фозилов иштирок этиб, ғолибларга Вазирликнинг мақтов ёрлиғи ва эсдалик совғаларини топширди.

МУХБИРИМИЗ

МАҲАЛЛАНИНГ МАКТАБИ

Хўжаобод туманидаги 17-мактаб педагогик жамоаси 400 ўринли ўқув маскани биносига пойдевор қурилаётганида қисқа фурсат ичида унинг бунёд этилишига шубҳа қилганлар ҳам бўлди. Ўқитувчилар дадил иш бошлашди. Эски бино бузилди ва янгисини қуришга қўл урилди. Икки ой қаттиқ меҳнат қилинганди, бино қад ростлади. Аввалгисидан анча катта, кўркам, замонавий ва албатта, ҳашаматли иншоот барпо этилди.

Қурилиш ишлари асосан ҳашар усулида олиб борилди. Маҳалланинг етти ёшдан 90 ёшгача аҳолиси қараб турганини йўқ. Виждон амри билан ҳар куни 10-12 соатлаб 100-150 киши ишлади. Усталар ҳам кўнгилли бўлиб ишлашди. Қурилишга Ҳамза номли ширкат хўжалиги ҳомийлик қилди. Уч миллион сўм атрофида қурилиш материаллари билан таъминлади. Сувоқчи, дурадгор-усталарга иш ҳақи тўлади.

Бундан ташқари, маҳалланинг ишбилармон, тадбиркор кишилари ҳам ёрдам қўлларини чўзишди. Девор-тошлар учун кетган ҳаражатни эса асосан, ота-оналар ўз зиммасига олишди. Шундай қилиб, катта куч, олийҳимматлик асосида мактаб қуриб битказилди.

— Қишлоғимиз аҳлининг бу қадар уюшқоқлиги, саҳоватпешалигини билмаган эканмиз, — дейди Эгамбердиобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухторжон ака Нурматов. — Мактаб қурилишида фаол қатнашганларидан бошимиз осмонда. Айниқса, собиқ ўқувчиларимиз ҳам келишиб, катта иш қилиб беришди...

Эгамбердиободликларнинг 400 нафар жажжи ўғил-қизлари ҳозирда янги бинода таълим-тарбия олишмоқда.

М.НОРБОЕВ

"ҚУЁШ" НИНГ БОЛАЛАРИ

Юнусобод туманидаги "Қуёш" деб номланган 301-мактабгача таълим муассасасида 110 нафар болажонлар тарбияланадилар. 6 та гуруҳга бўлинган болалар ҳар куни ёзишни, чизишни, ҳисоб амалларини, фикрлашни ўрганмоқдалар. Нутқида камчилиги бор болалар ҳам 2 та гуруҳга жамланган.

—Муассасамиз махсус соғломлаштириш йўналишида бўлганлиги учун "Соғлом авлод" давлат дастури асосида иш олиб боряпмиз. Руҳшуносимиз Шаҳло Ҳошимова ҳар бир боланинг ички дунёси, уларнинг ўзига яраша ҳулқ-атворини ўрганиб, болаларнинг ота-оналари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Натижада болалар онгида Ватан энг азиз ва мўътабар жой эканлиги, унинг байроғи, герби, мадҳияси қандай маъноларни билдиришини ўрганиб боришмоқда. Жажжи ўғил-қизларни чиниқтириш, уларни жисмоний жиҳатдан соғлом ўстириш мақсадида ҳар куни болалар билан жисмоний ҳаракатлар, ўйинлар олиб борамиз,-дейди муассаса раҳбари Мухтабар Алимтаева.

Ушбу даргоҳда спорт гимнастикаси, чолғу асбоблари, "Асалтой" деб номланган жажжи қўғирчоқ театри, бадиий ўқиш, инглиз тили тўгараклари иш олиб боради. Болажонлар қизиқиши, қобилияти ҳисобга олиниб бу тўгаракларга жалб қилинган.

"Қуёш"да автомайдонча ташкил этилган. Ҳар икки ойда бир марта ЙҲХ ходими Қобил Шерматов келиб болаларга кўчада, светафор олдида қандай ҳаракат қилиш, кўчада кетаётганда нималарга эътибор бериш ҳақида қизиқарли услубда машғулотлар ўтказади. Бундан ташқари Янги-ариқ маҳалласи фаоллари, 2505-автокорхона ташкилоти бу муассасага беғараз ёрдамларини кўрсатиб келмоқдалар.

"Қуёш"нинг жажжи, юзлари офтобдек иссиқ ўғил-қизчалари меҳрибон тарбиячилар қўлида баркамол бўлиб вояга етмоқдалар.

Суратларда: "Қуёш" ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

АДОЛАТ КЎЗГУСИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган энг муҳим стратегик қарорлардан бири олий ўқув юртларига ўқишга қабулда тест усулининг жорий қилиниши бўлиб, бу қарор таълимга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб, энг иқтидорли ёшларни танлаб олишда ижтимоий адолатни таъминлаб берди. 1992 йили тажриба сифатида бошланган абитуриентларни олий ўқув юртларига тест асосида танлаб олиш иши ва 1993 йили ҳукумат қарори билан ташкил этилган тест маркази мустақиллик йилларида мураккаб шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Яқинда Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳитдиновнинг «2001 йил тест якунлари» (Таҳлилий материал) китоби босмадан чиқди. Мухбиримиз Давлат тест маркази раҳбари Муҳсин Муҳитдинов билан ушбу жараённинг ўзига хосликлари, 2001 йилги тест якунлари юзасидан суҳбатда бўлди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ичида тест усули жорий қилинишининг алоҳида ўрни бор. ДТМ томонидан бугунгача амалга оширилган ишлар, келгуси вазифалар ҳақида мухтасар сўзлаб берсангиз?

— Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб давлат даражасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга қабул қилишда тест тизимини жорий этди. Қабул қилинган қарорнинг стратегик жиҳатдан асосланганлигини вақтнинг ўзи тўла исбот қилди. 2000 йилда Қозоғистонда, 2001 йилда Россияда давлат даражасида тест усулининг жорий қилиниши, Қирғизистонда ҳам шу йўналишда иш бошланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мустақиллик йилларида тест тизими технологик жиҳатдан ҳам, тест топшириқларини ишлаб чиқиш, синтез қилиш ва тест синовларини ўтказиш жиҳатдан ҳам узлуксиз равишда такомиллашди, ривожланди.

Ўзбекистондаги тест тизими, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидаги энг яхши жиҳатларни ўзига сингдирган ҳолда, ўтган 8-9 йил ичида замонавий компьютер технологияларидан ва ахборот техникаси ютуқларидан тўла фойдаланиб, анча такомиллаштирилди, ривожлантирилди.

Дастлабки йилларда илғор мамлакатларнинг икки вариантли технология ҳамда универсал саволлар китобчасига асосланган тест ўтказиш усули, тест топшириқлари ҳажмининг бирмунча чекланганлиги, вариантлар тузишнинг қўлда бажарилиши туфайли, билимлар даражасини холисона ва мос ҳолда баҳолашга имкон бермади, махфийликни таъминлаш тартибини мураккаблаштирди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар тест тизимида сифат жиҳатдан ўзгаришлар бўлишини, умумтаълим мактабларини битирувчилар билим даражасини юқори аниқлик ва холислик билан баҳолаш талабларига мос келишини қатъий тақозо қилар эди.

Айни шунинг учун дастлабки шаклланиш босқичидан кейин, 1996 йилдан эътиборан янги тест технологияси соҳасида жадал изланишлар бошлаб юборилган эди. Бунда компьютер ва ахборот техникасидан самарали фойдаланиш, янги тест топшириқларини ишлаб чиқиш, синтез қилиш ва синовдан ўтказиш, тест топшириқлари жамғармасини яратиш ва кўпайтиришга эътибор қаратилдики, бу жараёнлар ёшларнинг ақлий ривожланиш даражасини ўта аниқлик билан баҳолашга имкон беради. Ана шу мақсадда Ўзбекистонда биринчи марта тест топшириқлари вариантларини таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва таълим тиллари бўйича компьютер ёрдамида генерациялашга асосланган кўпвариантли тест тизими ишлаб чиқилди.

Анчагина катта миқдордаги вариантларни ўзгарувчан структурали алгоритм бўйича ана шундай автоматик синтезлаш баҳолашнинг ўта махфий, холис ва аниқ бўлишини таъминлаб берди. Кўпвариантли тизимнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши тест камчиликларини бартараф қилиш имконини берди. Ўзбекистондаги тест тизимининг хориждагилардан асосий, принципиал фарқи ҳам ана шундадир. Кўпвариантли технология ҳамда интеграллашган автоматлаштириш тизимининг дастурий маҳсуллари Давлат патент идорасининг кўплаб муаллифлик гувоҳномалари билан муҳофаза қилинган. Бу Давлат тест маркази томонидан технология соҳасида бажарилган дастлабки устувор вазифадир.

Иккинчи муҳим вазифа тест топшириқлари жамғармасини яратиш ва йилдан-йилга кўпайтириб боришдан иборат. Тест топшириқларини тузишга республикада ўқувчилар билан кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган энг яхши педагоглар, олий ўқув юртларидаги етакчи кафедралар ҳамда ЎзР Фанлар академияси институтларидаги илмий кучлар жалб қилинди.

— 2001 йилги тест натижаларининг таҳлили кўпчиликни қизиқтириши табиий.

— Бу йил тест топшириқлари жамғармасининг кўпайганига қарамай, мактаблар, лицейлар ва ҳунар-техника билим юртлари битирувчиларининг ўртача баллари 2000 йилга нисбатан бир қадар юқори бўлди. Буни абитуриентларнинг яхши тайёргарлик кўргани билан изоҳлаш мумкин. Лицейлар битирувчиларининг ўртача баллари мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари битирувчиларининг ўртача балларидан анчагина юқори бўлган. Бу ўсишдан ёшларимизнинг олий касбий таълим олишга иштиёқи ортиб борганлиги кўриниб турибди. Бу ўсиш ёшларимизнинг олий касбий таълим олишга бўлган интилишини аниқ-равшан намойиш қилади.

Қишлоқ мактабларидан чиқаётган абитуриентлар сонининг муттасил ортиб бориш тамойили кишини қувонтиради. Кундузги бўлимларда қишлоқ мактаблари абитуриентларининг улуши 70 фоизни ташкил этади. Умумий абитуриентлар миқдорида уларнинг улуши 69,5 фоизга тенгдир.

Қишлоқ ёшларининг шаҳарликлардан бирмунча кўплигини акс эттирадиган шунга ўхшаш манзара вилоятлар мисолида ҳам кузатилади. Қишлоқ мактаблари абитуриентларининг сон жиҳатдан жадалроқ кўпайиши Самарқанд, Фарғона, Наманган вилоятларида кузатилмоқда.

Мамлакат олий ўқув юртларида кундузги ва сиртқи таълим шаклларига қишлоқ мактабларининг 30038 битирувчиси ўқишга кирди, бу 61 фоизни ташкил этади.

Абитуриентларнинг таълим йўналишлари бўйича миқдори у ёки бу касб-ҳунарнинг обрў-нуфузини алоҳида ажратиб кўрсатади. Таълим ўзбек тилида олиб борилган мактабларнинг битирувчилари учун иқтисодиёт, математика, техник таълим йўналишлари, педагогика ва бошланғич таълим методикаси ўзбек филологияси каби мутахассисликлар; таълим рус тилида олиб борилган мактабларнинг битирувчилари учун эса иқтисодиёт, рус филологияси, техник таълим йўналишлари, роман-герман филологияси кабилар обрў-эътиборлироқ йўналишлар бўлиб қолган.

Тест синовларида қатнашган ва олий ўқув юртларига ўқишга кирган абитуриентларни ижтимоий нуқтаи-назардан ўрганиш тест тизимининг холис ва ижтимоий адолатли тизим эканлигини баҳолайди. Абитуриентларнинг энг кўп миқдорини (61 фоиз) қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг болалари, 24 фоизини зиёлиларнинг болалари, 2,9 фоизини эса ишбилармонларнинг болалари ташкил қилар экан.

Ўқишга кирганлар ичида қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг болалари 54 фоизни, зиёлиларнинг болалари 29 фоизни, ишбилармонларнинг болалари 6 фоизни ташкил этиши ўз аксини топган. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари оилаларидан чиққан абитуриентлар учун берилган аризалар сони ва ўқишга кириш фоизи ўртасидаги корреляциянинг юқори даражада бўлиши тест тизимининг холислиги ва ижтимоий адолатлилигини яна бир бор аниқ-равшан кўрсатади.

Зиёлилар болаларининг ўқишга кира олиш коэффициентининг 24 фоиздан 29 фоизгача кўтарилиши уларнинг сифатлироқ тайёргарлик кўрганидан дарак беради.

Бу йил абитуриентларнинг умумий сонидан 52 фоизини (138793 абитуриент) мактабни аввалги йилларда битирганлар ташкил этиб, улардан 24244 таси, яъни 49,2 фоизи олий ўқув юртларига кирганлар. Шу билан бирга, ана шу абитуриентларнинг ўртача баллари мактабни шу йил битирганларникидан юқорироқдир.

— Олий ўқув юртларига танловнинг ортиши кузатилмоқда. 2001 йил қайси олий ўқув юртларига танлов даражаси кўтарилган?

— Республика олий ўқув юртларига энг қобилиятли ёшларни сифатли танлаб олишнинг энг муҳим омилларидан бири таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича танлов ҳисобланади.

Бугунги кунда танлов кўрсаткичи мутахассисликнинг афзаллиги, устуворлигини, олий ўқув юртининг эса обрў-нуфузини белгилаб беради.

Таҳлилдан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида абитуриентлар миқдори ҳам, танлов ҳам кўтарилган. Танловнинг кўтарилиши вилоятларда кўпроқ бўлган. 2000 йилдаги сингари, Сурхондарё, Навоий, Фарғона, Наманган вилоятларида танлов кўрсаткичи энг юқори бўлган.

Қиёсий таҳлил кўрсатадики, амалда кўпчилик олий ўқув юртларида абитуриентлар миқдори ва грант бўйича танлов кўтарилган. Умуман республика бўйича танлов кўрсаткичи кўтарилган ва грант бўйича ўтган йилдаги бир ўринга 8,32 номзодга нисбатан 9,73ни ташкил этган. Ўтган йилдагига нисбатан танлов Навоий Давлат кончилик институтида, Навоий Давлат педагогика институтида, Самарқанд Давлат университетида, Термиз Давлат университетида анча юқори кўтарилган.

— Ўртача ўтиш ва энг юқори баллар кўтарилган ва пасайган ўқув юртлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз?

— Абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси ўртача, ўтиш ва энг юқори баллар билан белгиланади. Бу кўрсаткичларнинг олий ўқув юртлари ва таълим йўналишлари бўйича тақсимланиши мактаблар, лицейлар, гимназиялар битирувчилари сифатий тайёргарлигининг кўламдор манзарасини кўрсатади.

Қиёсий таҳлил кўрсатадики, кўпчилик таълим йўналишлари бўйича ўтиш баллари кўтарилган. Булар, масалан: физика (12,55 баллга), молия (11,60 баллга), автоматлаштириш ва бошқарув (11,48 баллга), математика (10,50 баллга), биология (8,76 баллга), хорижий мамлакатлар тарихи (12,95 баллга), минтақашунослик (19,70 баллга), халқаро туризм (35,90 баллга), иссиқлик энергетикаси (17,16 баллга), педагогика ва психология (14,95 баллга).

Айрим таълим йўналишлари бўйича ўтиш баллари пасайган. Булар: журналистика (15,57 балл), тиббий-профилактик ишлар (12,63 балл), бошланғич таълим (11,95 балл), қорақалпоқ тили ва адабиёти (10,40 балл), банк иши (6,34балл).

Буларнинг барчаси танловнинг пасайганлигидан, таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлиги етарли эмаслигидан, битирувчилар тайёргарлиги сифатининг қониқарсиз эканлигидан дарак беради.

Ўртача ўтиш бали 2000 йилдагига қараганда Тошкент автомобил-йўллар институтида (20,15 балл), Тошкент молия институтида (16,23 балл) Тошкент давлат педагогика университетида (14,91 балл), Тошкент электротехника алоқа институтида (14,51 балл), Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (14,23 балл) ва бошқа олий ўқув юртларида кўтарилган.

Айни вақтда 2001 йилда ўртача ўтиш бали ўтган йилдагига нисбатан Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида (9,14 балл), Тошкент давлат авиация институтида (6,06 балл) пасайган.

Энг юқори баллар энг қобилиятли ёшларни аниқлаб беради.

Энг юқори балли абитуриентлар Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент юридик институти, Тошкент молия институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент электротехника алоқа институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига тўғри келади.

Афсуски, бир қатор олий ўқув юртлари ва таълим йўналишларида юқори балли абитуриентлар умуман йўқ ёки жуда оз миқдорда учрайди. Булар жумласига НДКИнинг Зарафшон филиали (умуман йўқ), Андижон қишлоқ хўжалик институти, К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон давлат жисмоний маданият институти (жуда оз) кабилар киради. Энг юқори ўтиш бали бу йил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида қайд этилди.

Паст ўтиш баллари эса Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида, Жиззах политехника институтида, Наманган муҳандислик-педагогика институтида, НДКИнинг Зарафшон филиалида, Нукус давлат педагогика институтида, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида кузатилди.

Ўта юқори баллар бу йил Ўзбекистон миллий университетида, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида, Тошкент электротехника алоқа институтида, Тошкент юридик институтида кузатилди. Таҳлил кўрсатадики, ўқишга қабул қилинган барча абитуриентларнинг ихтисосий фанлар бўйича баллари кўпроқ. Бинобарин, тест механизми ўқувчиларнинг касбий мойиллигини ҳисобга олади.

1996 йилдан буён ҳар йили тест натижалари таҳлилий материаллар кўринишида чоп этилади. Таҳлилий материаллар нашри республика таълим тизимининг кўламдор манзарасини яққол кўрсатиб беради ҳамда тестнинг адолат кўзгуси эканлигини намоён этади.

Ҳусан НИШОНОВ суҳбатлашди.

Айни пайтда янги ташкил этилаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув режасига биноан мелиорация ва сув хўжалиги мутахассислигини эгаллаган ўқувчи 2 тагина йўналишда ишчи малакасини олади.

Буюк аждодларимиздан қолган маънавий мерос — "Авесто"нинг ватани бўлмиш Хоразмда ушбу рисоланинг қутлуғ 2700 йиллик юбилей тантаналарининг нишонланиши арафасида ЎМКҲТ Маркази Бошқарув кенгашининг навбатдаги сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Қўҳна ва айни юбилей тантаналари сабаб янаям ёшарган, навқирон Урганч шаҳрига ташриф буюрган Бошқарув кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар вакиллари дастлаб гуруҳларга бўлинган ҳолда Хоразм вилояти ЎМКҲТ муассасалари фаолиятлари билан танишишди. Шу ўринда Марказ Бошқарув кенгашининг бундай сайёр йиғилишлари биринчи бор ташкил этилмаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Бундан олдин Бухоро, Наманган, Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган ва бу гал Урганчда ўтказилаётган навбатдаги сайёр йиғилишларни айнан ҳудудларда ташкил этишдан асосий мақсад ҳам аниқ. Ушбу тизимда меҳнат қилаётган мутахассис ана шундай ташрифлар давомида бошқа жойларда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан танишар экан, ўзи учун жудаям кўп маълумотлар олади, тажриба тўплайди, касбдошлари билан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишга имкон топади. Бу гал ҳам айнан шундай бўлди ва кўзланган мақсадларга тўлиқ эришилди, деб ишонч билан айта оламиз.

Boshqaruv kengashida

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Урганч иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўз ишини бошлаган Марказ Бошқарув кенгашининг навбатдаги йиғилишини Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов очар экан, унда қилинажак ҳар бир маъруза ва чиқишларда асосий урғу нафақат бугун эришилган ютуқларга, балки тизимдаги мавжуд камчиликлару долзарб вазифаларга, жумладан зудлик билан ҳал қилиниши шарт бўлган муаммоларга қаратилмоғи зарурлигини уқтириб ўтди. Шундан бўлса керак, кун тартибидаги биринчи масала, яъни республикадаги академик лицейлар фаолиятининг уч йиллик натижалари, у ерда ўқув-тарбиявий жараённинг ташкил этилиши хусусида Марказнинг академик лицейлар бошқармаси бошлиғи Рустам Ниматовнинг маърузаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, бу йил академик лицейларга қабул жараёни ҳақида сўз юритилар экан, мактаб битирувчиларининг академик лицейларга кириб ўқиш иштиёқи йилдан йилга пасайиб кетаётганлиги таъкидланди. Жиззах политехника, Тошкент автомобиль йўллар институти, Андижон давлат университети қошидаги академик лицейларда 2001-2002 ўқув йили учун қабул режаси бажарилмаганлигини қандай тушуниш мумкин? Сўнгги йиллар таҳлилларига кўра, энг паст ўртача кўрсаткичлар айнан шу олийгоҳлар ҳамда пойтахтдаги шарқшунослик, алоқа ва электротехника, педиатрия тиббиёт институтлари қошидаги ва ТДТУ қошидаги Янгийўл академик лицейларида кузатилмоқда. Бундан ташқари, сўнгги пайтда ўқувчиларнинг ана шундай янги турдаги илм масканларидан бошқа таълим муассасаларига ўтиб кетиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Мана бу рақамларга эътибор беринг, 1998-2000 ўқув йилларида қабул қилинган 10358 нафар ўқувчидан бугунги кунгача 1609 нафари ўқишни ташлаб кетган. Хўш, айни пайтда бу ўқувчиларнинг тақдири билан ким қизиқиб кўрди? Уларнинг ота-оналари билан фарзандлари олдидаги шахсий масъулиятлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилдими? Лицейлар бўйича бу кўрсаткич ТерДУ қошидаги Шеробод (43%), ТАЙИ қошидаги А.Икромов (35%), СамДУ қошидаги Самарқанд (25%), ТТЕСИ қошидаги Яккасарой (23,3%), ТДШИ қошидаги С.Раҳимов (22%) академик лицейларида энг юқори фоизга эга. Бу ҳол ушбу илм даргоҳларида ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш жараёни, уларни касбий йўналтириш, бу ерда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ишларининг савияси пастлигининг яна бир далили ҳисобланади.

Йиғилишда академик лицейлардаги таълим мазмунининг сифати ўтган ўқув йили битирувчиларининг кўрсаткичлари орқали таҳлил қилиб чиқилди. Ислоҳотларнинг дастлабки йили, яъни 1998 йилда ташкил қилинган 15 та академик лицейга 1806 нафар ўқувчи қабул қилинган. Республика бўйича бир ўқувчи ўрнига 2,34 та ариза тушган. Орадан уч йил ўтиб, бу даргоҳларни 1385 нафар ўқувчи битирди. Ана шу даврда 421 нафар ўқувчи, яъни 23,1% ўқувчи ўрта ҳисобда ўқишни ташлаб кетган. АндМИИ қошидаги академик лицейидан 35,6%, ЎзМУ қошидаги Сирожиддинов номидаги академик лицейидан 40%, ТерДУ қошидаги Термиз академик лицейидан 28%, ҚаршиДУ қошидаги Қарши академик лицейидан 27,9% ўқувчи бошқа таълим муассасаларига ўтиб кетган.

Бу йил битирувчилардан 1319 нафари олий ўқув юртларига кириш учун тест синовларида иштирок этган. Турли сабабларга кўра 66 нафар битирувчи тест синовларини топширмаган. ОЎЮларидан олинган маълумотларга кўра, ҳужжат топширган 1319 нафар абитуриентдан 790 нафари тест синовларини муваффақиятли топшириб, олийгоҳ талабалари бўлишган. Бу борада энг паст кўрсаткич ЖизДПИ, СамДУ, ҚаршиДУ, ТерДУ, НамДУ қошидаги академик лицейларда қайд этилган. Яна шу нарса маълум бўлдики, деярли барча академик лицейларда ўқув йили тугашига бир ой қолганда ўқувчиларнинг билим савияси талаб даражасидан анча паст бўлган. Натижада ОЎЮларига кириш кўрсаткичлари ҳам пасайиб кетган. Бундан илм масканлари раҳбарларининг бу кўрсаткичларни ўз вақтида таҳлил қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрмаганлиги аён бўлмоқда.

Кенгашда ЎМКҲТРИ ректори Абдуваҳоб Икромов мазкур институт томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида олиб борилаётган илмий ишларнинг натижалари хусусида маълумот берди. Айни кунда ЎМКҲТРИ Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг "КТМДни жорий этиш жараёнида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этиш" давлат илмий-техника дастурлари асосида 6 та илмий йўналиш бўйича ЎМКҲТ назарияси ва амалиётини ривожлантиришга йўналтирилган фундаментал ва амалий тадқиқот ишларини бажармоқда. Нотиқ институт эришган ютуқларни сарҳисоб қилиш баробарида жамоа олдида турган мавжуд камчиликлар ва ечимини талаб қиладиган муаммоларга ҳам тўхталди. Масалан, умумтаълим ва касбий ўқув фанларининг касбий йўналганлигини таъминлаш, таълимни индивидуаллаштириш, масофадан туриб таълим бериш, тажриба-синов ишларига мажмуавий ёндошиш муаммоларига етарлича аҳамият берилмаган. Таълим жараёнини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш борасида тайёрланаётган компьютер дастурлари, электрон мини плакатлар асосан умумтаълим фанларига тааллуқли бўлиб, касбий фанларга эътибор кам қаратилган ва ҳоказо.

Сўнгги уч йил давомида ташкил этилган таълим муассасалари кутубхоналарининг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланишининг аҳволи ҳақида Марказнинг ўқув адабиётлари нашрини режалаштириш, нашр ва таъминот бўлими бошлиғи А.Авлиёқулов Андижон ва Навоий вилоятлари мисолида ахборот берди. Ушбу ўрганилган ҳар иккала вилоятда олиб борилаётган ишлар бир хил деб бўлмайди. Жумладан, Андижон саноат касб-ҳунар коллежида кутубхона фондини бойитиш мақсадида тўғридан-тўғри марказий нашриётлар билан бевосита ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган ўқув йилида биргина "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясидан 300000 сўмлик янги китоблар сотиб олинган. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги ҳомийлигида 150000 сўмлик адабиётлар келтирилган. Мазкур кутубхонанинг компьютер тармоқлари орқали Интернетга уланганлиги диққатга сазовордир. Аммо, кутубхона фонди ўрганилган илм масканларининг барчасидаям аҳвол яхши, деб бўлмайди. Масалан, Куйганёр академик лицейида ҳисобдан чиқарилган адабиётлар орасида кўплаб классик ёзувчи, шоирларнинг нодир асарлари, эски бўлса-да мутахассислик учун зарур адабиётлар, ноёб асар ҳисобланмиш "Манас" достонининг ҳисобдан чиқарилишини қандай баҳолаш мумкин? Кутубхоналарда меъёрий ҳужжатларни юритишдаги қониқарсиз аҳволнинг бош сабаблари, бу — кутубхоначилар малакасининг пастлиги, қолаверса, улар устидан назоратнинг йўқлиги ва ниҳоят, кутубхоналарнинг меъёрий ҳужжатлар билан етарли даражада таъминламаганлигидир.

Нотиқнинг таъкидлашича, кутубхоналар фаолиятида учраётган камчиликларни бартараф этиш учун жуда катта маблағ талаб қилинмайди. Шуларни эътиборга олиб, давлатимиз томонидан миллион-миллион сўм маблағ ҳисобига қурилаётган, қайта реконструкциядан чиқарилаётган биноларнинг қадрига етиб, улар ичидаги мазмун ва сифат билан шуғулланадиган вақт келди. Бунинг барчаси эса кутубхонадан бошланажаклигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак.

Йиғилишда ЎМКҲТ Марказининг ўқув-ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ў.Хидиров Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ЎМКҲТ бошқармалари тасарруфидаги таълим муассасаларида Корея ҳукуматидан кредитга олинган жиҳозларнинг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва лаборатория хоналарида ўрнатилиши ва сақланиш ҳолати ҳамда ўқув устахоналарида ишларнинг ташкил қилиниши, саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг аҳволи тўғрисида сўз юритди.

Шунингдек, Бошқарув кенгашида ЎМКҲТ тизими муассаса ва ташкилотларида 2001-2002 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ҳолати тўғрисида, ушбу тизимда қўшма корхоналар билан ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши хусусида, умумтаълим ва касбий таълим фанлари ўқитувчиларининг малака ошириши ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 400-қарорини бажариш мақсадида чиқарган бўйруғида "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог, муҳандис-педагоглари малакасини оширишда замонавий техника ва технологиялардан, лабораториялардан фойдаланиш ҳамда тажриба-синов сифатида ташкил қилиш мақсадида ОЎЮлари қошидаги малака ошириш муассасаларида умумтаълим фанларидан ўқув жараёнини қатор академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ташкил қилиш" кўрсатилган эди. Кун ниҳоясида Бошқарув кенгаши иштирокчилари ана шу буйруқнинг амалий ижроси — Урганч давлат университетидаги малака ошириш муассасасининг умумтаълим фанлари ўқитувчилари учун замонавий жиҳозланган Урганч тумани Пахтакор саноат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган малака ошириш марказининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар.

Нурлан УСМОНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

МУТАХАССИС МАЛАКАЛИ БЎЛСИН

Taklif

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун бир неча касбни мукаммал эгаллашлари кўзда тутилади. Айни чоғда касб-ҳунар эгалламоқчи бўлган ёшларнинг ота-оналари бағрида бўлишлари тарбиявий соҳада яхши самара бериши кўзда тутилиб, бир туманда бир неча йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари қурилмоқда. Уларга кириб ўқиш, ҳоҳлаган мутахассислик бўйича билим олиш ихтиёрий қилиб белгиланган. Бироқ, шу кунларда, хоҳлаймизми-йўқми, кўп йиллик ҳаёт тажрибаларга таяниб тан олишимиз керакки, ёшларимизнинг кўпчилиги енгил меҳнатли, кўп даромадли соҳаларга ўзларини уришмоқда. Масалан, қурилиш соҳасидаги дурадгор, бетончи, ғишт терувчи касбидан кўра сотувчи касбини эгаллаш, қишлоқ ва сув хўжалиги ходими бўлишдан кўра банк ходими бўлиш иштиёқи ҳозирги ёшларда устун келмоқда. Натижада оғир меҳнатли, бироқ халқ хўжалигига сув билан ҳаводек зарур бўлган соҳаларга билим даражаси паст ўқувчилар мажбуран сурилиб қолмоқда. Назаримизда бундай соҳаларга танловдан ўта олмаган ўқувчилар ўз ихтиёрига қарши ҳолатда келиб қолмоқда. Бу эса шу соҳадаги кадрларнинг паст малакали ишчилар билан тўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги муаммоларни юқори малакали, чуқур билимли, шу соҳага қизиққан кадрларгина сидқидилдан ёндашиб ҳал этишлари мумкин. Зеро, мелиорация ва сув хўжалиги мутахассислиги жуда кенг қамровли бўлиб, касб-ҳунар коллежларида халқ хўжалигининг турли соҳаларига — қишлоқ хўжалиги корхоналарига сувчи-гидротехник, каналлар эксплуатацион бўлимларига кузатувчи гидротехник, насос станцияларига техник ходим, сув омборлари эксплуатациясига техник-гидротехник, таъминотичимлик суви корхоналарига техник, сув хўжалиги қурилиши корхоналарига иш юритувчи уста, табиатни муҳофаза этувчи корхоналарга техник инспекторлар, сув хўжалиги лойиҳаси ташкилотларига ҳамда бетон заводларига техник ходимлар, ўрта махсус ўқув муассасаларига лаборантлар, гидрологлар, гидрогеологлар каби малакали ишлаб чиқариш ходимларини етказиб беради.

Айни пайтда янги ташкил этилаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув режасига биноан мелиорация ва сув хўжалиги мутахассислигини эгаллаган ўқувчи 2 тагина йўналишда ишчи малакасини олади. Булар — ёмғирлатиб суғориш агрегатлари оператори ҳамда ёмғирлатиб суғориш машиналарини таъмирловчи чилангарлар. Булар гидротехникларнинг ишлаб чиқариш тармоқларидаги фаолиятини чегаралаб қўяди.

Шу боис, халқ хўжалигига мелиорация ва сув хўжалиги мутахассислигига ўхшаш кенг профилли эксплуатацион ва ишлаб чиқариш техник ходимлари тайёрловчи айрим мутахассисликлар ўқув режасини қайта кўриб чиқишни таклиф этган бўлардик.

Мутахассисликнинг кенг профилли эканлиги, вилоятлараро аҳамиятга эга эканлиги, шу соҳага чуқур билимли кадрлар зарурлигини ҳисобга олиб, ижобий баҳога ўқиётган ўқувчилар рағбатлантирилиб, уларга махсус стипендия белгиланса ҳам, мақсадга мувофиқ бўларди.

Махсус стипендия белгилаш шу соҳаларга кадрларни марказлашган ҳолда тайёрлаш имконини беради (Масалан, Фарғона водийси учун фақат бир жойда). Янги ихтисослашган ўқув базалари яратиш харажатлари йўқолади. Шунингдек, шу соҳа кенг профилли, малакали, ижодкор ўрта бўғин кадрлар билан таъминланади.

Ҳошимжон МАДРАҲИМОВ,
Раъно МАДРАҲИМОВА,
Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежининг олий тоифали ўқитувчилари

ТУЗАТИШ

"Маърифат" газетасининг 2001 йил 3 ноябрь сонида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари ҳақида Низом"да айрим техник сабабларга кўра ноаниқлик ўтиб кетган.

"Низом"нинг 2.4 банди қуйидаги таҳрирда ўқилсин: "Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун олимпиаданинг биринчи босқичи бевосита ушбу таълим муассасаларида, иккинчи босқичи туманлардаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билан биргаликда ўтказилади. Тумандаги касб-ҳунар коллежларида ўтказиладиган 1-босқич синовлари учун зарур материаллар вилоят касб-ҳунар бошқармаси қошидаги методика маркази томонидан тайёрланади".

Mehmonxona

Газетамизнинг бугунги меҳмони кўплаб саҳна ва кино асарларида аёл, она образларини юксак маҳорат билан гавдалантириб, томошабинлар қалбидан муносиб жой олган, Ўзбекистон халқ артисти, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси, Миллий академик драма театри актрисаси, Тўти ЮСУПОВАдир.

Тўти Юсупова 1936 йил 10 мартда Самарқанд вилоятининг Туркман қишлоғида таваллуд топган. 1953 йилда Тошкент театр ва рассомчилик (ҳозирги санъат институти) институтига ўқишга кириб, 1957 йилда йўлланма билан ҳозирги Миллий академик драма театрига ишга келган ва шу кунга қадар ранг-баранг, ажойиб роллар ижро этиб, томошабинлар эътиборини қозониб келаётир.

Тўти ЮСУПОВА:

«САҲНА – ҲАЁТ МАКТАБИ»

— Тўти опа, санъатга қизиқишингиз қачон бошланган ва бунга нималар туртки бўлган?

— Чамаси, 5-6 ёшларда бўлсам керак. Эсимда, қишнинг қисқа кунлари, қуёш барвақт ботар эди. Танча(сандал) атрофида бобом, бувим, онам (дадам урушга кетган эдилар), тоғаларим, холаларим ва бошқалардан иборат оила аъзолари ўтирар эдик. Раҳматли Абдумажид тоғам патнис чалсалар, мен билар-билмас ўйинга тушардим. Томоша қилиб ўтирганларнинг қанчалик хурсанд бўлганларини айтмайсизми?!

Ёшлигимда каштачилик билан шуғулланардим. Керосинда ёнадиган чироқ ёруғида қийиқча тикардим. Ўша даврдаги ҳунарим, яъни тикувчиликнинг орқасидан маҳоратим анча ошиб қолган эди. Ҳеч қаерда ўқимай, ўрганмай кўйлак тикардим. Қишлоғимиздаги тўлиқсиз ўрта мактабни битиргач, 1949 йилда хотин-қизлар билим юртига ўқишга кирдим. Ҳамид Олимжон номли театр мен ўқийдиган билим юрти яқинида жойлашганлиги боис театрга тез-тез тушиб турардим.

Мен илк бор "Бой ила хизматчи", "Олтин кўл" спектаклларини кўриб, театр шайдоси бўлиб қолганимни яхши эслайман. 3-курсда бўлсам-да, билим юртини ташлаб, театрга ишга кирдим. Менга театр соҳасида ўз истеъдодимни намоён этиш ҳар жиҳатдан маъқул иш кўринди. Режиссёрга маъқул тушдим шекилли, лапар ўрганиб, концертларда иштирок эта бошладим. Ўша даврда 17 яшар қизман. Туман миқёсидаги тадбирларда бир кечада 17 та номер — лапар ва ўйинлар ижро этардим.

Санъат соҳасини эгаллашимга қаршилик қилганлар ҳам бўлган. Бироқ бу соҳани астойдил севганим боис ҳар қандай тўсиқларни енгиб, мақсадимга эришдим.

— Сизнинг шу даражага етишишингизда таълим бериб, йўл-йўриқ кўрсатган муаллимларнинг ҳам ўрни бор, албатта. Қайси ўқитувчиларингизни ҳурмат билан ёдга оласиз?

— Тўртинчи синфда она тили ўқитувчимиз Қодиров ҳамда географиядан таълим берувчи Садир Шукуров қизларда шармҳаё устун туриши зарурлиги, эркаклар кўзига тик боқмаслик, андиша, ибо бўлишини бот-бот таъкидлар эдилар. Островский номли театр ва рассомчилик санъати институти ўқитувчиси, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри режиссёри Тошхўжа Хўжаев Ҳ.Олимжон номли театрда менинг саҳнада ижро этган ролларимни кўриб: "Қизим, ўқисанг, яхши актриса бўлишинг мумкин" деганларида, мен: "Вой артистликнинг ҳам ўқиши борми?" деб сўраганим эсимда. У киши "Ҳа, бор — Тошкентда, театр ва рассомчилик институти" дея жавоб бергандилар.

Таклифни қабул қилдиму, бироқ қўлимда на диплом ва на аттестат бор. Гарчи мактабда ўзбек тилида ўқиган бўлсам-да, 10-синфда шошилинч тожик тилида имтиҳон топширдим. 1953 йилда Тошкентга гастролга келиб, шу ерда қолдим ва институтга ўқишга кирдим. Шу боис мазкур соҳага етаклаган, йўл-йўриқ кўрсатган Тошхўжа Хўжаев хотираси қаршисида бир умр бош эгаман.

— Саҳнада яратган дастлабки ролингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз. Шунингдек, "Келинлар қўзғолони"даги Сотти образи мухлисларингизни кўпайтирди. Бунинг сабабларини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Ҳаваскорлик даврида "Нурхон" спектаклида Нурхоннинг синглиси, А.Қаҳҳорнинг "Шоҳи сўзана"сида Ҳафиза ролларини ўйнаганман. Аввалги Ҳамза номидаги театр саҳнасида диплом спектакли — Шиллернинг "Макр ва муҳаббат"ида илк бор бош қаҳрамон Луиза образини гавдалантирдим. Унгача "Холисхон" спектаклида жинни қиз, "Чин муҳаббат"да Зулфия ролларини ўйнаганман. "Ўлимдан кучли"да она, "Ўғирланган умр"да Фумико, "Бой ила хизматчи"да Хонзода, кейинчалик Сифат буви, "Нодирабегим"да Нодира ҳамда Увайсий, "Афандининг беш хотини"да Жаннат, "Уфқ"да ҳам Жаннат хола каби юзга яқин спектаклларда, "Абдуллажон", "Отамдан қолган далалар", "Ойижон", "Яратганга шукр", "Дилхирож" бадиий фильмларида, "Опа-сингиллар" (Онахон), "Бир тарих саҳифаси" (Раҳбарбону), "Жаҳолат" (она — ўзимга жуда ёққан), "Чангак" (амма) курсатувлари ва "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувларида 200 дан ортиқ аёл, она образларини гавдалантирдим.

"Келинлар қўзғолони"га келсак, Саид Аҳмад ака мазкур асарни актёрларнинг феъл-атворини ҳисобга олган ҳолда уларга бағишлаб, номма-ном ёзган. Яъни Зайнаб, Тўти, Тўйчи, Рихси каби. Спектаклни икки гуруҳ ўйнагани учун бу номлар ўзгартирилди. Яъни етти ўғил, етти келинга буйруқ берадиган қайнона — Фармонбиби, қайнонани содир бўлаётган воқеалардан бохабар қиладиган, ахборот бериб турадиган келин Сотти деб аталди. Мен ўзимни Фармонбибининг шахсий адъютанти деб билардим. Чунки Фармонбибини ҳамма гапдан воқиф қилишим шарт. Ҳатто уйда телефон жирингласа, албатта, гўшакни фақат Сотти олиши керак эди. Соттининг томошабинларга маъқул тушиши, ёқиши менимча бу образнинг табиий чиққанлигида бўлса керак. Кўча-кўйда ёшларнинг оғзини кўпиртириб сақич чайнашларини кўпам ёқтирмасдим. Кўпчилик олдида сақич чайнаш одамларнинг ғашини келтириши мумкин. Шу боис ёшлар ўзига яраша хулоса чиқариб олар, деган ниятда саҳнада тўхтовсиз сақич чайнаганман.

Саҳнада қайси ролни ўйнасам, ўша куни эрталабдан кечга қадар шу образнинг ўзига айланаман. Масалан, "Келинлар қўзғолони"даги Соттини ўйнасам, ўзимни ўша образнинг дунёсига солишим керак-да.

— Санъаткорнинг вақти доимо ҳисоб-китобли: гоҳ спектакль, гоҳ тасвирга тушиш, гоҳо эса хизмат сафарлари билан боғлиқ. Ана шундай юмушлардан чарчаган кезларингизда бир оз бўлса-да, санъатдан кўнглингиз совуганми?

— Ҳа, бўлган. Айниқса, психологик роллар тушиб қолганда. Айрим ҳолларда режиссёрнинг кўнглидагидек ўйналмаймиз. Чунки дардми, қувончми, нимадир сизда йўқ. Нима қилиб юрибман бу ерда, деган пайтларим ҳам бўлган. Лекин бу ҳолат вақтинчалик. "Шунча образлар яратиб, наҳотки бунинг уддасидан чиқолмайман? Йўқ, албатта, мақсадга эришиш керак", дея ичимда ўз-ўзимга сўз бераман ва ишонч билан ҳаракат қиламан.

— Қайси ва қандай асарлардан таъсирланасиз?

— Санъаткор сифатида ҳар бир яхши асардан, айниқса фожеали сюжетлардан таъсирланаман.

— Театр, кинода устоз-шогирдлик анъанаси қандай давом этяпти?

— Тошхўжа Хўжаевни ҳам устозим, ҳам ўқитувчим деб биламан. Менинг шу даражага эришишимда, ҳатто шахсий ҳаётимда ҳам уларнинг ҳиссалари бисёр. Мени турмушга берган ҳам ана шу устозим бўлганлар. Шунингдек, Шукур Бурхонов, Зайнаб Садриева, Икрома Болтаеваларнинг ўгитларига риоя қиламан. Лола Элтоева, Хосият Ҳусанова, Муқаддас Холиқова, Фатхулла Маъсудовларни шогирдларим деб биламан.

— Оила аъзоларингиз орасида санъаткорлар борми?

— Турмуш ўртоғим Мирғиёс Соатов "Ўзбекфильм" киностудиясида дубляж режиссёри бўлиб ишлаганлар. Қизим Марҳабо отасининг изидан борди. У телестудияда дубляж муҳаррири. Ўғилларим — Миржалол тадбиркор, Миркамол бўёқчи. Саккиз нафар набирам ва бир нафар эварам бор.

— Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмайдиган воқеалар, кутилмаган вазиятлар учраб туриши, табиий. Сизда ҳам шундай вазиятлар бўлганми?

— "Эл-юрт ҳурмати" орденини Президентимизнинг қўлларидан оламан деб ҳеч ўйламагандим. Қишлоқдан чиққан оддий бир қиз пойтахтга келиб ишлаб, эл назарига тушса, бундан ортиқ бахт борми! "Оқшом эртаклари"нинг бошловчиси сифатида ойнаи жаҳонга танилдим. Трамвай, троллейбусда кетаётсам болажонлар: "Ана, эртакчи бувижоним" деб дарҳол олдимга келишади. Автобусда кетаётсам бир қизча қўлида иккита гулдаста билан олдимга келиб, биттасини олинг, деб қўярда-қўймай гулдастани менга берди. Ана шундай беғубор қалбларнинг кўнглидан муносиб жой олганим билан фахрланаман. Бундай унутилмайдиган онларни, умримнинг охиригача ўзгача бир мамнунлик билан эслайман.

— Ёшлар тарбиясида театрнинг ўрни қандай?

— Албатта, ёшлар тарбиясида театрнинг аҳамияти катта. Ота-оналаримиз фарзандларини аввал қўғирчоқ театрига олиб боришлари, кейинчалик катталар театрига ташриф буюришларини таъминлаши лозим. Масалан, ҳаётда ичадиган, чекадиган одам тасодифан театрга тушиб қолди, дейлик. Саҳнада худди ана шундай инсонларнинг ҳаёти охир-оқибатда барбод бўлишини кўриб, ўзига керакли хулоса чиқариб олади, деб ўйлайман. Чунки юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзалдир.

— Оилада аёлнинг ўрни, мавқеи ҳақида нималар дея оласиз? Уларнинг қайси фазилатларини улуғлайсиз?

— Оилада эркак кишининг устунлиги сақланса, аёл унинг қозиси ёки вазири бўлади. Оналар болалар қилган ишларнинг яхшисини ошириб, ёмонини яширадилар. Айниқса, ўғил болаларнинг айби кўпроқ беркитилади. Бу яхши эмас. Чунки ўғил онага орқа қилиб, бирон жиддий гуноҳ содир этиб қўйиши мумкин. Аёл бўлмаган оиладан файз кўтарилади. Она бор жойда бола учун эркинлик бўлади.

— Оналар ва болалар йилида мухлисларингизга тилакларингиз.

— Оналар ва болалар доимо соғ-саломат бўлсинлар. Қуёшимиз порлагандек ўғил-қизларимизнинг ҳаёти нурга тўлсин. Элим деб, юртим деб яшайдиган кишилар кўпайсин. Бу эса Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги ҳурмат-эътиборини оширади.

Суҳбатдош
Дилбар ХЎЖАЕВА

Устоз! Мана шу сўзни ҳар гал ўқувчилардан эшитганимда юрагим жўшиб, уларга нисбатан меҳрим янада товланиб кетади.

Tanlov

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Тест топшириқларининг йилдан йилга миқдор сифат жиҳатидан такомиллашиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Тест жамғарма банкининг миқдор жиҳатдан кўпайтирилиши ҳам тестнинг адолат мезонини янада мустаҳкамлайди. Билимнинг кушандаси бўлган ёдлаш имконини чеклайди. Шунингдек, тест топшириқларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш доимий равишда Давлат тест марказининг диққат марказида турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Давлат тест маркази ҳар йили таълим масканлари раҳбарларига хат орқали мурожаат қилиб, тест тузувчи муаллифлар сафини кенгайтириш демакки, бу тизимни такомиллаштириш анъанасини шакллантираяпти.

1996 йилдан "Энг яхши педагогик тест муаллифи" танловининг эълон қилиниши ва ғолибларнинг аниқланиши бу анъананинг мазмуний жиҳатини ташкил қилади.

Фанлар бўйича тест саволларини тузишда ўқитувчилар фаоллигида шундай ҳолат кузатилди: математика (55), тарих (50), ўзбек тили ва адабиёти (40), кимё (26), биология (25), рус тили ва адабиёти (23), инглиз тили (21), физика (21). Танловда 268 нафар муаллиф иштирок этди географияси ҳам кенг. Наманган (35), Андижон (29), Фарғона (25), Самарқанд (23), Бухоро (23), Хоразм (22), Қорақалпоғистон (21), Жиззах (20) бошқа вилоятлардан эса 20 нафардан кам муаллифлар қатнашди.

Жюри аъзолари педагогик тест талабларидан келиб чиққан ҳолда, тест тузишга ижодий ёндошган, мушоҳада қилишга чорлайдиган, танловга дош бера олган тест муаллифларини эътироф этишди. Шу билан бирга, "Вестник", "Ахборотнома" журналларида чоп этилган тестларни кўчириб ёзиб юбориш, жавобларда номутаносиблик каби ҳолатлар кўзга ташланди.

Фурсатдан фойдаланиб рус мактабларининг ўзбек тили ўқитувчиларига алоҳида мурожаат қилиб танловда фаол қатнашишга чақирамиз. Чунки тестда ўзбек тили (иккинчи тил) танловда қатнаша олмаётган бирдан-бир блок бўлиб қолаётир.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг бу борадаги сусткашлигидан ажабландик. Ваҳоланки, пойтахтда ЎзФА тасарруфидаги кўплаб институтлар, Олий ўқув юртлари кафедралари, академик лицейлар, коллежлар, мактаблар, гимназияларнинг салоҳиятли педагоглари ишлашади. Биз уларнинг муаллифлар сафидан ўрин олишларини жуда-жуда истар эдик.

2001 йилги танлов натижаларининг қандай бўлганлиги қуйидаги рўйхатда акс этган:

Ўзбек тили ва адабиёти (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун)

I ўрин — берилмади.

II ўрин — А.Шодиев, Навоий вилояти, Навоий педагогика билим юрти, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси;

III ўрин — С.Нусурова, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, 57-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Рус тили ва адабиёти (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун)

I ўрин — Р.Галиева, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси;

II ўрин — 1) З.Еримбетова, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, 1-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси;

2) Г.Авезова, Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани, 1-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси;

III ўрин — 1) В.Фаткулина, Навоий вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти, рус тили ва адабиёти кабинети мудири;

2) А.Фасхутдинова, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 11-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Қорақалпоқ тили ва адабиёти

I ўрин — Қ.Юсупов, Чимбой тумани, 15-ўрта мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси;

II ўрин — С.Атажанова, Нукус шаҳри, 17-ўрта мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси;

III ўрин — Т.Сапарбаев, Қўнғирот тумани, 44-ўрта мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Рус тили ва адабиёти (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун)

I ўрин — У.Акбарова, Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, 1-лицейнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси;

II ўрин — Л.Юнусова, Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Теракли қишлоғи, 2-ўрта мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси;

III ўрин — Г.Миннихановa, Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри, 1-махсус ўрта мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Инглиз тили

I ўрин — О.Хомидов, Наманган вилояти, Чуст шаҳри, 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.

II ўрин — Н.Ким, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, 16-мактаб инглиз тили ўқитувчиси.

III ўрин — И.Розумбетова, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, 30-мактаб инглиз тили ўқитувчиси.

Француз тили

I ўрин — М.Асқарова, Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани, 1-жаҳон тиллари иқтидорли болалар лицей-интернати француз тили ўқитувчиси;

II ўрин — М.Қурбонова, Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, 16-мактаб француз тили ўқитувчиси;

III ўрин — С.Якубов, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Найман қишлоғи, 27-ўрта мактаб француз тили ўқитувчиси.

Немис тили

I ўрин — берилмади.

II ўрин — А.Раззоқова, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, 11-мактабнинг немис тили ўқитувчиси.

III ўрин — Ҳ.Турдиев, НамДУ жаҳон тиллари факультети, немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувчиси.

Математика

I ўрин — берилмади

II ўрин — Ҳ.Салимов, Андижон вилояти, Марҳамат тумани, 31-ўрта мактаб математика ўқитувчиси.

III ўрин — Қ.Усмонов, Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 20-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати математика ўқитувчиси.

Физика

I ўрин — А.Китаев, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри 39-мактаб физика ўқитувчиси;

II ўрин — У.Пирматов, Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, 3-мактабнинг физика ўқитувчиси;

III ўрин — Н.Абдурашитов, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, 27-мактаб физика ўқитувчиси.

Кимё

I ўрин — М.Мирзаев, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, 1-лицей кимё ўқитувчиси;

II ўрин — Хурсандов Э, Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, 2-мактаб кимё ўқитувчиси;

III ўрин — Х.Ражабов, Тошкент шаҳри, С.Х.Сирожиддинов номли академик лицей III (кимё-биология) курс ўқувчиси.

Биология

I ўрин — Ю.Абдураҳмонов, Наманган вилояти, Чуст тумани, Ғова қишлоғи 12-мактаб биология ўқитувчиси.

II ўрин — М.Тоғаева, Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидаги бизнес-мактаб биология ўқитувчиси.

III ўрин — Е.Цой, Фарғона шаҳридаги 9-мактаб 11-синф ўқувчиси.

Тарих

I ўрин — Б.Мирзоқулов, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ўқитувчиси;

II ўрин — Л.Набойченко, Қўқон шаҳри 20-мактаб тарих ўқитувчиси;

III ўрин — М.Ҳақбердиева, Навоий вилояти, Навоий тумани, 3-мактаб тарих ўқитувчиси.

География

I ўрин — А.Ҳасанов, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Зебуннисо номли 18-ўрта мактаб география ўқитувчиси;

II ўрин — К.Тешабоев, Фарғона вилояти, Риштон тумани, 32-мактабнинг география ўқитувчиси;

III ўрин — Л.Муртазина, Тошкент шаҳридаги 220-мактаб география ўқитувчиси.

Давлат Тест Маркази

ОИЛАДА МЕҲРИБОН ОНА, МАКТАБДА ИБРАТЛИ МУАЛЛИМА

Устоз! Мана шу сўзни ҳар гал ўқувчилардан эшитганимда юрагим жўшиб, уларга нисбатан меҳрим янада товланиб кетади. Имом ал Бухорийдек, Ибн Сино, Беруний дек буюк сиймоларни, Навоий ҳазратлари-ю Амир Темурдек зотга илму-урфон берган ҳам, албатта, устоз саналур.

Бугунги кунда ҳам келажагимиз пойдеворини бунёд этаётган ана шундай машаққатли, аммо шарафли касбни улуғлаб келаётган фидойиларимиз талайгина. Марҳамат опа Пўлатова ҳам мана шундай эзгу мақсад йўлида ўз оромидан кечган инсонлардан, десак янглишмаймиз.

Марҳамат опа 1974 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетини тамомлаб, Юнусобод туманидаги 117-мактабга ишга келдилар. Иш фаолиятлари давомида ҳамкасбларига, ўқувчиларига нисбатан ўзларининг олийжаноблик, меҳрибонлик сифатларини намоён қилиб барчанинг эътиборига сазовор бўлдилар. Ўқувчиларда кимё-биология фанларига қизиқиш уйғотибгина қолмай, ташкилотчилик қобилияти билан уларни турли тўгаракларда билимларини мустаҳкамлашга, шаҳар ва республика миқёсида ўтадиган танловларда ғолибликни қўлга киритишларига кўмаклашди. Ўқувчиларни жамоа ишларига жалб қилишда, аввало, ҳар бир ишда ўзи намуна бўлди. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ у киши мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари даражасига етди. Маълумки, мазкур вазифада ишлаш ҳар қандай педагогдан катта сабот, ижодкорлик ва изланувчанликни талаб этади.

Марҳамат опанинг иш услубларини туман ва шаҳар миқёсида оммавийлаштириб, "Уч авлод", "Миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз" мавзусида учрашувлар ўтказдилар. "Отчопар" маҳалласи билан ҳамкорликда "Ибратли оила" кўрик-танловлари ҳар йили ўтказилишда ҳам у кишининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари ётади. 1999 йил "Менинг маҳаллам" мавзусидаги шаҳар кўрик-танловида мактаб жамоаси ҳам қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Марҳамат опа 50 ёшни қаршилаяптилар. "Яхшидан боғ қолади" деганларидек, у киши бу касбга ёш қалбларда меҳр уйғотганлари боис собиқ ўқувчилари Сурайё Азимова, Алишер Расулов, Мунира Зокирова, Гулбаҳор Алихўжаева каби кўплаб издошлари бугунги кунда ёш авлодга устоз билан ҳамнафас ўзлари сабоқ олган мактабда таълим бермоқдалар.

— Эсимда, ҳали 4-синфда ўқиётган давримданоқ ўқитувчи бўламан деб дилимга тугиб қўйган эдим, — дейди Марҳамат опа. — Ниманики орзу қилган бўлсам, барисига эришдим. Тўғри, ҳаёт фақат завқланишдан иборат эмас. Баъзида кўнгилсизликлар бўлиши ҳам табиий. Бироқ шундай тушкун дамларда мени турмуш ўртоғим қўллаб туради, муаммоларни ечишда ўз маслаҳатлари билан елкадош бўлади.

Оилада Марҳамат опа меҳрибон она, уч ўғилни тарбиялаб, яхши ниятлар билан олий ўқув юртларда ўқитяптилар. Тўнғич фарзанд— Жаҳонгир Тошкент кимё-технологик институти магистратураси талабаси, ўртанча ўғил Жавоҳир Ўрта Осиё педиатрия институтининг III босқич талабаси бўлса, кенжатой Фарҳод 10-синф ўқувчиси.

Бутун умрини ёш авлодни тарбиялашдек савобли ишга бағишлаган азиз устозимиз Марҳаматхон Пўлатовага узоқ-умр, сиҳат-саломатлик ва фарзандлари камолини кўриб юришларини тилаб қоламиз.

Дилфуза ШОХАЛИМОВА,
Тошкент шаҳридаги
117-мактаб ўқитувчиси

Демак, ўқувчи китоб ўқийди, қачонки, "ойнаи жаҳон" кўрсатувларида китобга бағишланган бир дақиқалик бўлса ҳам реклама ташкил этилса ёки нашриёт, китоб дўконлари мактабларда китоб савдоси уюштирилса...

ЎҚУВЧИ КИТОБ ЎҚИМАЙДИ(МИ?)

ёхуд улар орасида китобхонларнинг камлиги сабаблари ҳақида

Матбуот саҳифаларида, "ойнаи жаҳон" кўрсатувларида, радио эшиттиришларида, ўзаро суҳбатларда кўпинча ўқувчилар бадиий китобларни кам ўқиётганлари ҳақида нолиб гапирилади. Бу фикрларда қисман жон бор. Кимдир бунга мактаб кутубхонасида бадиий китоблар кам, дея кимдир яхши китоблар йўқ, дея, яна кимдир эса ота-онани, ўқитувчини сабаб қилиб кўрсатади.

Аслида-чи? Менимча, ўқувчи китоб ўқишни хоҳлайди. Айниқса, 8-14 ёшли ўқувчилар кутубхонага кўпроқ аъзо бўладилар. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, баъзи кутубхоналар улар эҳтиёжини қондира олмаяпти. Негаки, кутубхоналардаги сайланмалар, эртаклар, қисса ва романлар, қўйингки, мустақилликдан аввал нашр этилган асарлар алоҳида хоналарга олиб қўйилган. Бундай китоблар эса кутубхона заҳирасининг асосий қисмини ташкил этганлиги боис унинг ночорлигини янада оширади.

Баъзан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги китоблар ҳам кам дея баҳона изланади. Ваҳоланки,



ўқувчилар кирилл алифбосидаги китобларни ҳам бемалол ўқий оладилар. Қолаверса, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт болалар учун кўплаб китоблар чоп этди. Эндиги вазифа шу адабиётларни эгаларига етказиб бериш.

Ўқувчи китоб дўконларига боролмайди, ота-онасининг унга китоб сотиб олиб беришга вақти йўқ. Нима қилиш керак? Бизнингча, китоб дўконлари 2 ойда бир марта шаҳар ва вилоят мактабларида кўчма савдо ўтказишсин. Албатта, бундан сўнг фикримча, ўқувчилар, қолаверса, турли ёшдаги бошқа китобхонлар ҳам китоб сотиб оладилар. Фақат савдодан бир ҳафта аввал дўкон ходимлари сотувга қўйиладиган китобларни синф раҳбари ва адабиёт ўқитувчиларига келтириб беришлари лозим. Улар бу китоблар билан танишиб, ўқувчиларга реклама (тарғибот-ташвиқот) қиладилар. Китоб мазмуни билан танишган ўқувчиларга эса китоб танлаш имконияти яратилади. Ўқувчи психологияси шундайки, унга "ўқи" дея буйруқ беришдан кўра "Мана бу китоб қизиқ экан" деб парча ўқиб бersангиз, у давомига қизиқади ва шу китобни топиб ўқигиси келади.

Демак, ўқувчи китоб ўқийди, қачонки, "ойнаи жаҳон" кўрсатувларида китобга бағишланган бир дақиқалик бўлса ҳам реклама ташкил этилса ёки нашриёт,

китоб дўконлари мактабларда китоб савдоси уюштирилса...

Бу йил битирувчи синф ўқувчилари мактаб кутубхонасига китоб совға қилиш ташаббуси билан чиққанлари ниҳоятда фойдали бўлди. Мактаб кутубхоналари мазмунли адабиётлар билан бойиди. Бу анъанани давом эттириш керак.

Мана, ҳозир кузги таътил давом этяпти. Биз ўқувчиларга таътилда китоб ўқишни вазифа қилиб топширамиз, негаки, адабиёт дарслари 5-синфдан 11-синфгача ҳар чорак бошида таътилда ўқилган асарлар юзасидан суҳбат билан бошланади. Истаймизки, ўқувчиларимиз янги, қизиқарли китобларга зориқишмасин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактаб ўқитувчиси

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Азиз ўқитувчи ва синф раҳбарлари, кутубхоначилар! Сизларда бадиий, услубий китоблар, дарсликлар етарлими, китоб савдоси ташкил этилса, ўқувчиларингиз, ўзингиз сотиб оласизми? Ўқувчиларни китобхон этишда муаммонинг шундай ҳал этилишига қандай қарайсиз. Балки сизнинг ҳам таклифларингиз бордир. Жавобларингизни кутамиз.*

Mulohaza

МАҚСАД ИЗЧИЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

талаба-ёшлар маънавиятини камол топтиришнинг айрим масалалари

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари бўйича қабул қилинган муҳим ҳужжатларнинг барчаси шу юрт фуқаролари истиқболини белгилаб, уларга имкониятлар очиб беришга, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини таъминлашга қаратилган. Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий тараққиёт ғоясини ўзида мужассам этган баркамол авлодни вояга етказиш учун муносиб ҳаёт шарт-шароитларини яратиш—Республикамиз Президенти Ислом Каримов раҳномалигида ўтказилаётган давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишидир. Миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, замон талаблари даражасига олиб чиқиш, мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" сингари стратегик аҳамиятга эга ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда таълим-тарбия соҳасида ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, талаб ва мақсадлари аниқ белгилаб берилган.

Таълим-тарбия такомили учун мазкур соҳадаги кўплаб янгиликларни—янги технологиялар, дастурлар ҳамда таълим шаклларини тажриба-синовдан ўтказишда кенг қамровли таҳлил этиш, улардан энг самаралиларини танлаб олиб, оммалаштириш катта ижобий натижа беради.

Янги педагогик ва ахборот технологияларини, тайёргарликнинг модул тизимини таълим жараёнига олиб кириш, унинг замонавий шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштириш керак. Олий ўқув юртларида талабаларнинг билимларни мустақил, эркин ўзлаштириши, ижодий изланишлар ва экспериментлар олиб боришлари билан боғлиқ фаолиятларини рейтинг асосида баҳолашга мақсадли йўналиш бўйича ўтиш давр талабидир. Қолаверса, талабалар билан таълим-тарбия ишларини аниқ мақсадда олиб бориш уларнинг таълимга бўлган қизиқишини оширади, билим ва маданияти серқирра бўлишига олиб келади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг дастлабки босқичи амалга оширилганининг мониторингини олиб бориш унинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши йўналишларига аниқликлар киритиш имконини яратади. Айни пайтда маънавий жиҳатдан мукаммал ва комил инсонни тарбиялаш, миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш энг долзарб масаладир.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш орқали юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб бера олувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратиш, бир қатор вазифаларни ижобий ҳал этишни тақозо этади. Таълим-тарбия тизимининг замонавий, самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шундай вазифалар сирасидандир.

Таълим-тарбиянинг ўзаро узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб, уларни системали асосда ташкил этишда асосий эътиборни:

- *мақсадни аниқлаб олиш;*
- *мақсадни эгаллашнинг стратегия ва тактикасини режалаштириш ва ишлаб чиқиш;*
- *мақсадни амалга ошириш;*
- *қандай натижаларга эришилганини назорат қилиш ва баҳолаш;*
- *бу борадаги янги эҳтиёж ва талабларни аниқлаштириб олиш;*
- *тизим олдига янги мақсад ва вазифаларни қўйиш, улар бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш кабиларга қаратиш керак.*

Таълим-тарбияни амалга оширишда ҳар бир индивидга ўзига хос ёндошув асосидагина билиш жараёнини моделлаштириш мумкин бўлади. Унга кўра, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида турли хил услубларни қўллаб, ҳар бир талаба мос ёндошувни танлаш имкониятига эга бўлади.

Ҳар бир услубга мос бўлган таълим-тарбия усули танлаб олинади, уларнинг турли-туманлиги талабаларни доимий фаол изланишда бўлишга ундайди. Бу жараёнда ҳар бир ўқитувчининг ўз услуби шакллана бораси, айнан ҳар бир индивидга мос усулларни қўллаш имконияти пайдо бўлади.

Мазкур жараёнда ҳар бир талабанинг илмий ўзлаштириб олиш даражаси, албатта, турлича бўлади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир услубнинг яхши томонларини ўз ўрнида қўллай билиш ижобий самара беради. Таълим-тарбияда янада кўпроқ самарага эришиш учун асослаш, фаоллик, усулни танлаш, натижага эришиш, амалиёт, билимни мустаҳкамлаш, эришилган якуний натижа каби услубий ишларни изчил олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Таълим-тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиб, жаҳон андозалари талабларига мос ҳолда ривожлантириш учун дарснинг илмий-назарий ва замонавий, тарбиявий даражасини ошириш, кўргазмали қуроллар, техник воситалар ва компьютерларни тест, мисол ва масалалар, бошқотирмалар, амалий иш ўйинларини кенг қўллаш, дарсни жонли мулоқот шаклида ташкил этиш лозим бўлади.

Таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устуворлигига эришишда турли мавзуларда давра суҳбатлари, семинар мулоқотлар, рефератлар танловлари, илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар, театр, музей, юртимизнинг тарихий обидалари, диққатга сазовар жойларига саёҳатлар уюштириш, мутахассислик соҳалари бўйича корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш керак.

Халқимизнинг тарихан бой маънавий-маданий мероси акс этган халқ педагогикаси анъаналаридан самарали фойдаланиш, мустақиллик тафаккурини, мантиқий фикрлашни ривожлантириш орқали шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳам таълим-тарбия жараёнининг долзарб вазифасидир.

Олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар кафедралари томонидан ўқитиладиган фанлар бўйича маърузалар ва амалий машғулотлар жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар чоғида асосий эътибор талаба-ёшларда Ватанга муҳаббат ҳиссини, ўз халқининг тарихини билиш, буюк ўтмишдошларининг хизматларини англаб етиш, мустақиллик ғояларини теран тушуниш, юксак ахлоқий онгни қарор топтириш, ҳуқуқий маданият ва тафаккурни шакллантиришдек мақсадларга қаратилмоғи шарт.

Турсунбой ЮНУСОВ,
Тошкент молия институти
"Ўзбекистон тарихи" кафедраси доценти

«МУЛОҚОТ» — ЯҚИН КЎМАКЧИ

"Мулоқот" журнали ўз ўқувчилари билан фикран мулоқот қила бошлаганига ҳам ўн йил тўлди. Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йилдан чиқа бошлаган журнал ҳаётда ўз ўрнини ва ўқувчиларини топди. Журнал ижодий жамоаси ўқувчилардан келаётган кўплаб мактублар асосида уни янада сермазмун, ҳозиржавоб, ҳаётий муаммоларни батафсил асослаб ёритиш юзасидан изланишларни давом эттирмоқда.

Журнал нашр этила бошлаганидан бошлаб миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. Мамлакатимиз Президентининг миллий мафкурага катта эътибор қаратаётганлигини ўз вақтида англаб етган "Мулоқот" илк сонларидан бошлаб, айтиш мумкинки, шу пайтгача нашр этилган барча сонларида ушбу мавзуга оид турли-туман мақолалар, суҳбатлар, хабарлар чоп этиб келмоқда. Бу мавзуга бағишланган академиклар — Ҳайдар Пўлатов, Бўрибой Аҳмедов, Азиз Қаюмовлар бошлаб беришган бўлса, кейинчалик уни Ҳамид Зиёев, Исо Жабборов, Қўчқор Хоназаров, Ҳайдар Алиқулов, Комил Юсупов, Қиёмиддин Назаров, Абдувосит Йўлдошев каби олимларимиз ўз чиқишларида давом эттиришди.

"Мулоқот" журнали халқимиз маънавиятини бойитиш, қадимий анъана ва қадриятларимизни тарғиб қилиш борасида ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Журнал шу куннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, таълим-тарбияга оид муаммоларни дадил кўтариши билан бирга маданий ва тарихий меросимизни бугунги кун нуқтаи назаридан туриб ёшларимиз онгига сингдиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билади.

Ўзининг ўн йиллиги муносабати билан "Мулоқот" қатор сонларида муштарийлари билан мулоқотга киришиб, эндиликда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаб олди. Журналнинг 2001 йил учинчи сонидаги таниқли файласуф олим Қўчқор Хоназаровнинг "Ўзбек фалсафаси борми?" деб номланган мақоласи ўзининг илмий асосланганлиги, фалсафий мушоҳадага бойлиги билан ажралиб туради. Олим қадимги хитой, ҳинд, юнон-рум, инглиз, фаранг, олмон фалсафалари қатори ўзбек фалсафасининг ҳам қадимийлигига тўхталиб, бугунги кунда уни алоҳида силсила асосида яратишнинг вақти келганлигини баён этади. "Авесто"дан бошланиб, Зардушт томонидан бир бутун тизим ҳолига келтирилиб, Моний ва Маздаклар томонидан давом эттирилган, Форобий, Беруний, Ибн Сино асарларида ўзининг юксак чўққиларига кўтарилган, Навоий, Бобур, Машраб, Аҳмад Донишлар орқали Бехбудий ва Фитратларгача етиб келган ўзбек миллий фалсафасининг бир бутун силсиласини юзага келтиришимиз зарур", деб ёзади олим. Шунингдек, у яратилажак ўзбек фалсафасида нималарга эътибор бериш лозимлигига алоҳида тўхталади.

Журнал саҳифаларидаги бундай дадил чиқишлар "Шарқ алломалари", "Буюк мутасаввуфлар", "Маърифат булоқлари", "Муқаддас китоблар", "Табаррук шаҳарлар" каби рукнларда сонма-сон давом эттирилган. Шунингдек, одоб-ахлоққа, жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига бағишланган мақолалар чоп этилган.

Obuna — 2002

Азиз муштарий! Сиз агар 2002 йил учун "Мулоқот" журналига обуна бўлиб, унинг ҳар бир сони билан танишиб борсангиз, албатта, ўз маънавий дунёингизга нимадир қўшган бўласиз. Унга ўз вақтида обуна бўлсангиз, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз, чунки журналимиз обуначилар учун бирмунча арзон. Эркин савдога эса чекланган миқдорда чиқади. Энг қулай имконият — унга ўз вақтида обуна бўлиш.

Журнал йил давомида 6 марта чиқади. Унинг нашр кўрсаткичи (индекси):

Якка обуначилар учун — 844,
Ташкилотлар учун — 845.

Нормўмин ОЧИЛОВ,
журнал бўлим мудири

Бир қатор ўқитувчиларимиз хорижий давлатларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш мақсадида Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Германия, Хиндистон, Жанубий Корея давлатларига бориб келдилар.

Ma'rifat

Мактаб СОРОС жамғармаси грантини олишга, бунинг натижаси ўлароқ, 5700 долларлик замонавий технологияларни кўлга киритишга муваффақ бўлган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Маълумки, юртимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг таълим тизимига катта эътибор қаратди. Бу ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида рўёбга чиқарилаётган эзгу ишлар кўламининг нақадар кенг кулоч ёзганлигида яққол ўз аксини топиб келмоқда.

Бу ислоҳотлар жараёни Тошкент вилоятида ҳам ўзига хос тарзда ўз бўй-бастини намоён этмоқда. Бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим-тарбия муассасаларида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда 894 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларнинг 23 тасини бошланғич, 180 та таянч, 679 та ўрта, 12 тасини эса махсус ва мактаб-интернатлари ташкил этади.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларга пухта, чуқур билим бериш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кўп жиҳатдан педагог ходимларнинг ижодкорлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам халқ таълими муассасаларининг кадрлар салоҳиятини юксалтириш, малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласи вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармасининг доимий диққат эътиборида турибди.

Истеъдодли мураббийларнинг илғор педагогик тажрибаларини аниқлаш, оммалаштириш борасида "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси" ҳамда бошқа кўрик-танловларни ўтказиш анъанага айланиб қолган. Вилоят миқёсида ўтказилган "Йил ўқитувчиси — 2000", "Йил тарбиячиси" кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллаган Ангрен шаҳридаги 29-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси З.Шокирхонова, Янгийўл туман 1-болалар боғчаси тарбиячиси М.Шароббоева республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда ҳам муносиб ўринларни эгалладилар. "Йил ўқитувчиси — 2001" республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловида эса Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Раҳима Мирҳоликова қатнашиб 1-ўринни эгаллади ва Президентимизнинг махсус совғаси "ТИКО" автомашинаси билан тақдирланди. Шуни эътироф этмоқ жоизки, ушбу қолибларнинг илғор тажрибалари бугунги кунда шаҳар, туман ва вилоят миқёсида ўрганилиб, оммалаштирилмоқда.

Жорий ўқув йилида вилоятимиз таълим муассасаларида ишлаётган 35256 нафар ўқитувчиларнинг 72 фоизи олий маълумотга эга. 1997-2000 йилларда мобайнида эса вилоят ўқитувчилари сафига 4488 нафар ёш мутахассислар келиб кўшилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил Навоий вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасидан сўнг вилоят халқ таълими тизимида ишлаётган ўқитувчилар таркиби кўриб чиқилиб, мактабларда умумий ўрта маълумот билан дарс бераётган 645 нафар ўқитувчилар тегишли маълумотга эга бўлган мутахассислар билан алмаштирилди. Мазкур муаммони ижобий ҳал этишда 2000 йил давомида мутахассислиги бошқа бўлган бошланғич синф ўқитувчилари учун қайта тайёрлов курслари ташкил этилди. Унда 284 нафар тингловчи қайта тайёрловдан ўтиб, уларга "бошланғич синф ўқитувчиси" мутахассислиги бўйича сертификат берилди.

Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, умумтаълим мактабларини педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи вилоятда ҳанузгача тўла ҳал этилгани йўқ.

Натижада айрим фанларнинг мутахассис бўлмаган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши, ишлаб турган ўқитувчиларнинг ҳафталик дарс юкламаси 1,5-2 ставкага бориши дарс самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнига давлат таълим стандартларини ва янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, унинг самарадорлигини ошириш, аввало, ўқитувчининг нақадар билимли эканига боғлиқ, десак янглишмайман. Шу жиҳатдан вилоятда педагог ходимларнинг ўз вақтида малака оширишларига катта эътибор қаратилган.

1997-2000 йиллар мобайнида вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида 20658 нафар педагоглар ўз малакаларини оширдилар. Бу кўрсаткич 2000 йилда 4344 нафарни, шу жумладан, 452 нафари туман, шаҳар халқ таълими мутахассислари ва мактаб раҳбарлари, 3892 нафарини эса бошланғич синф ва фан ўқитувчилари ташкил этди. Педагог ходимларнинг малакасини ошириш жараёнида асосий эътибор давлат таълим стандартлари асосида яратилган янги ўқув дастурларини кўллашга, янги педагогик технологиялар (диагностика, тест, рейтинг тизими, компьютердан унумли фойдаланиш)ни босқичма-босқич таълим жараёнига киритишга қаратилган. Шу мақсадда ўқув режаларига алоҳида мавзулар киритилиб, амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бунинг натижасида кенг қамровли билим ва кўникмага эга бўлган ўқитувчи-мураббийларимиздан янги педагогик технология асосида билим олаётган ўқувчиларимиз ўз иқтидорлари билан жаҳонни ҳам лол қолдирмоқдалар.

Бундан ташқари республика Президентининг (2001 йил 4 январь) Ф-1322-сонли "Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мақсадли курслар ташкил этилиб, тингловчиларга 4 соатлик ҳуқуқ дарслари, тарих курси тингловчиларига эса кўшимча 8 соатлик дарс ўтилиб, ўқувчиларга Конституцияни ўрганиш ҳафтада бир соатдан "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курси ўқитилиши эътиборли ҳолдир.

Бугун илм-фан шиддат билан ривожланишда. Зеро, башоратчилар таъкидлаганидек, XXI аср тараққиёт асри. У инсондан тинимсиз изланиш, ўз тарихи, ўзлигини англаш баробарида дунё илм-фани, техникаси тараққиётини ўзлаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Таълим ислоҳотидан кўзланган асосий мақсадлардан бири қам шунда. Муддатга мувофиқ миллий дастурнинг амалга татбиқ этилишининг биринчи босқичида вилоятда хорижий давлатлар билан таълим тизимидаги ҳамкорлик ишлари ҳам яхши йўлга қўйилди. Жумладан, бир қатор ўқитувчиларимиз хорижий давлатларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш мақсадида Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Германия, Хиндистон, Жанубий Корея давлатларига бориб келдилар. Шу жумладан, 2000 йил февраль ойида АКСЕЛС йўналиши бўйича 3 нафар ўқитувчиларимиз АҚШда ўз малакаларини оширишлари баробарида Америка халки, унинг тарихи, таълим тизими билан яқиндан танишиб, ўз ўрнида ютримизда олиб борилаётган таълим ислоҳотини ҳам ўзга элга намойиш этиб қайтишлари ҳам бизнинг ютуғимиз.

Вилоят мактабларининг 5 нафар инглиз тилини мукаммал биладиган ва бошқа фанлар ҳам яхши баҳоларга ўзлаштираётган бир гуруҳ ўқувчилари вилоят халқ таълими бошқармаси ва АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказилган синов натижасига кўра Америка Қўшма Штатлари мактабларида ўқимоқдалар. Бундан ташқари чет тилларни ўрганиш истагидаги ўқувчиларимизнинг кўпчилиги Европа тиллари кафедраси курсларида Германия, Франция, Буюк Британия ўқувчилар Жанубий Кореяга юборилмоқда. Сўнгги 8 йил ичида ўқитувчиларидан 20 нафардан ортиғи Сеулда турли курсларда ўқиб, қайтдилар. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бу каби олиб борилаётган ҳамкорликлар натижасида Япония элчихонаси томонидан Бекобод шаҳридаги 2 ва 13, Чирчиқ шаҳридаги 7 ва 26-умумтаълим муассасаларида биттадан компьютер синфи, 7 та синф хоналари учун мебел, ҳар бир мактаб ошхоналарига жиҳозлар ва мебеллар, мониторинг хонаси учун замонавий мебеллар ҳамда ҳар икки мактабни спорт анжомлари билан таъминлашда моддий ёрдам кўрсатилиши эътиборга лойиқ. Қибрай туманидаги 16-мактабга эса ҳозирда ёрдам кўрсатиш мақсадида лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда.

Қомил шахсни вояга етказишда китоб, қолаверса, кутубхоналарнинг ўзига хос мухим ўрни бор. Нинчунч, китоб — билимлар кони. Шу боис ҳам ўқувчиларнинг дарсликлар билан етарли даражада таъминланиши етакчи аҳамиятга эга. Айниқса бу борада ҳам таъминланган оила фарзандларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, уларнинг ушбу эҳтиёжи учун эса мактаб кутубхоналари фондига 61,1 млн. сўм маблағ ажратилди. Ундан ташқари зиё масканларини бадиий адабиётлар билан бойитиш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан 19,8 млн. сўм маблағ сарфланди.

Кам таъминланган ва кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини дарсликлар билан таъминлашдек эзгу мақсад йўлида ҳомий ташкилотлар ҳам ўз беминнат кўмагини аямаяптилар. Бунга мисол тарақсида жорий йилнинг ўзида Бекобод металлургия комбинати 1 млн. сўм, Зангиота тумани "Маъновият ва маърифат жамоатчилик маркази" 500 минг сўм, Янгийўл шаҳар "Ёг-мой комбинати" 1 млн. 200 минг сўм, вилоят бўйича ҳомийлар томонидан кўрсатилган ёрдам жами 7 млн. 545 минг сўмни ташкил этганлигини келтириш мумкин.

Бундан ташқари вилоятда миллий дастур асосида ёшларга замонавий билим беришда муҳим аҳамият касб этган таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилиб келинаётир. Агарда биргина 1997-2000 йиллар мобайнида бу борадаги ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу йиллар давомида вилоят 9339 ўқувчи ўрнига мўлжалланган замонавий мактаб ва кўшимча биноларни қуриб фойдаланишга топширилган. Бу ишларда ҳам маърифатпарвар ҳомийлар кўмаги билан 900 млн. сўмдан ошиқ маблағ берилганлиги таъсирига сазовор. Жумладан, ҳомийлар ҳисобидан 5298 ўринли 92-мактаб табиий газ тармоғига, 122 та мактаб ичимлик сувига уланди. Илм ўчоқларида янги кутубхоналар, спорт заллари, спорт майдончалари жиҳозланиб болалар ихтиёрига топширилди. Айниқса, 2000 йилда Оҳангарон туманидаги "Авазхон" фермер хўжалиги томонидан 130 ўринли мактаб қурилиб, жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширилиши, Вилоят ИИБ томонидан эса Бекобод туманида қурилаётган 320 ўринли 36-мактабга 131 млн. сўмлик ҳамда "Узбекуголь" ташкилоти Ўрта Чирчиқ туманидаги 48-мактабга 30 млн. сўмлик қийматдаги спорт комплекси қуриб бериши эътиборли ҳолдир. Бундан ташқари мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлашда маҳаллий бюджет ҳисобидан 371 млн. сўмлик ўқув жиҳозлари олиниб, жойларга етказилган бўлса, вилоят ҳокимлиги томонидан янги қурилган мактабларга 30 млн. сўмлик қўшимча жиҳозлар сов-га қилинди. ХТВнинг ушбу вилоят мактаблари ўқувчиларининг чет тилини яхши ўзлаштиришлари учун 2 та лингафон хонасини замонавий техника воситалари билан таъминлаб берилиши ҳам эътиборлидир.

Албатта, вилоят халқ таълими тизимида эришилган ютуқлар қаторида баъзи камчилик ва муаммолар ҳам учраб турибди. Вилоят бўйича мавжуд мактабларнинг 634 тасида таҳсил олаётган 139,5 минг нафар ўқувчи 2 сменада, 19 та мактабда эса 2245 нафар ўқувчи 3 сменада ўқимоқда. Бу эса жами ўқувчилар сонининг 28 фоизини, Паркент, Зангиота, Тошкент туманларида эса ушбу кўрсаткич 36-40 фоизни, Янгийўл туманида 54 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга вилоят бўйича 16 та авария ҳолатидаги мактаблар қурилиши тугалланмаган, 83 та мактабнинг қурилиши тугалланган бўлса-да, бироқ фойдаланишга топширилиши ижобий ҳал этилмяпти. Бундан ташқари бугун қиш фаслининг изғиринли кунлари эшик қоқаётган бир пайтда вилоятдаги 200 дан ортиқ умумий ўрта таълим мактабларининг иситиш тизими капитал таъмирлашга мўжтожлиги аянчли ҳол бўлса, ичимлик сувлари ҳам баъзиларида тармоққа уланмаган бўлиб узоқдан идишларда олиб келтирилади, қолаверса, телефон алоқалари ҳам ўрнатилмаганлиги ачинарлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги ислоҳотлар ҳар бир таълим ходимидан тинимсиз меҳнатни, кўпроқ ўқиб ўрганишни, энг асосийси, фидойиликни талаб қилади. Ўйлайманки, вилоятимиз маорифчилари ўзларига юкланган бу масъулиятни теран англаган ҳолда юртнинг буюк келажагини яратишда ўзларининг муносиб улушларини қўшаверадилар.

Т.УМАРАЛИЕВ,
Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиги

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ — МАСЪУЛИЯТ

МУШТАРИЙЛАР «MA'RIFAT»DAN НИМАЛАРНИ КУТИШМОҚДА?

ёхуд "Ma'rifat" газетаси кунлари" илк учрашувлари Тошкент вилоятида бўлиб ўтди

Газета ва муштарий. Улар бир-бирларига доимо керак. Газетанинг муштарий ҳукмига пишиқ-пухта мақола ҳамда тезкор хабарлар билан ҳавола қилиниши таҳририят олдидаги асосий мақсад бўлгани сингари, газетхоннинг ундан ўз эҳтиёжига яраша ахборотни ислаши ҳам табиий ҳолдир.

"Маърифат"ни ўқитувчилар, кўп сонли зиёлилар не мақсадда олишади, ундан нималарни кутишади? У ўз муштарийлари юрагига йўл топа оладяптими? Қандай мавзулар эътибордан четда қолаётган экан? Бу борада обуначиларнинг қандай таклиф ва мулоҳазалари бор?

Bevosita muloqot

Бундай саволларга холис жавоб, одатда, таҳририятнинг газетхонлар билан уюштириладиган учрашувларида топилади. Ана шу мақсадда таҳририятимиз аъзоларидан бир гуруҳи Тошкент вилояти туманларидаги таълим муассасаларида ўқитувчилар жамоаси билан ҳамсуҳбат бўлишди.

КИЧИК АУДИТОРИЯДАГИ "ҚАЙМОҚ" ФИКРЛАР

Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини Убайдулла Парпиевнинг таъкидлашича қарағанда, ўртача кўрсатичдаги даргоҳ. Бу ерда 73 нафар мураббий фаолият кўрсатяпти. Мактаб СОРОС жамғармаси грантини олишга, бунинг натижаси ўлароқ, 5700 долларлик замонавий технологияларни кўлга киритишга муваффақ бўлган. "Ниҳол" деб номланган ўз нашрига эга. Мактаб музейини ташкил этиш саъй-ҳаракатлари бошланган.

Таҳририят аъзолари билан учрашув бўлса, таклифларимни айтаман, деган муаллимларнинг аксарияти шу мактабда экан. Гарчанд аудитория унчалик катта бўлмаса-да, озгинаю созгина деб айтишга арзийдиган мулоқот бўлди.

Мактаб директори Қулмуҳаммад Ёралиевнинг таъкидлашича, мактаб "Маърифат"га айрим таълим даргоҳларидек хўжакўрсинга ўч ёки олти ойга эмас, балки ҳар йили 5 дона "Маърифат"ни йил бўйи мунтазам олади. Улардан фойдаланишда умумий тартиб жорий этилган. Ҳеч ким "Маърифат"дан бебаҳра қолмайди, у тегишли жойларда сақланади.

Жамила БОЛТАЕВА: — Газетада айрим фанлар бўйича ўқув режалари, дастурлари бериляпти. Лекин ҳамма фанлар бўйича эмас. Истардимки, йилдан-йилга такомиллаштириладиган дастурлар, дарсликларга мос ҳолда ўқув режалари ҳам газета саҳифаларида бериб борилса.

Маъмуржон РУСТАМОВ: — Газетадаги "Хорижда таълим" рукнида кўпинча олий ва ўрта, махсус таълим муассасалари фаолияти ёритилади. Чет элдаги мактаблар ҳаёти қандай? Ўқувчи ва ўқитувчи муносабатларининг асоси нимадан иборат? Биз "Маърифат"да шу турдаги мақолаларни кам кўрамиз.

"Меҳмонхона" саҳифаси маъқул. Лекин аксари ҳолларда саньаткорларга кенгроқ ўрин бериляпти. Таклифим — маорифф соҳасига хизмати сингган кишилар "Меҳмонхона"да кўриниш берса.

Абдувакил НУРМАНОВ: — Таълим тизимида янгиликлар кўп. Уларни жорий этиш жараёнида учраётган муаммолар бизни қийнайди. Баҳолашдаги рейтинг тизими, мониторинг ўқитувчиларнинг вақтини қисқартириб, қоғозларини кўпайтирди. Газета шулар хусусида таҳлилий мақолалар чоп этиши керак, деб ўйлайман.

Машҳура БЕГМАТОВА: — Мактабдан ташқари муассасалар фаолияти, уларнинг иш тажрибаси бўйича мақолалар ўқишни истардим.

Наргиза ҲАСАНОВА: — Аёллар саҳифаси менинг жону дилим эди. Негадир бу саҳифа газетангиздан мутлақо олиб ташланди. Ваҳоланки, мактабда ишловчиларнинг аксарияти хотин-қизлар-ку.

Осим ЭШОНҚУЛОВ: — Жисмоний тарбияни ўқитишда биз ҳамон алмисоқдан қолган усулларидан қутулолганимиз йўқ. Ваҳоланки, бу фаннинг ҳам талаб-меъёрлари ўзгарди. Ўзбек миллий спорт турлари бўйича луғат бериб борилса, биз мураббийларнинг мушкули осонлашарди.

М.АБДУҒАФФОРОВА: — Бошланғич таълим — муҳим бўғин. Дарс жараёнида фойдаланишга арзийдиган эртак, ривоят, афсоналар "Маърифат"нинг бошқа мухлисларини ҳам бефарқ қолдирмаса керак.

Муштарий газетадан ўз эҳтиёжига яраша материални талаб қилиб олишга ҳақли. Чунки у газетхон учун чиқариладиган маҳсулотдир. Шу маънода, газета бош муҳаррирининг учрашув бошланишидан аввал: "Сизнинг танқидингиз, таклифингиз бизга сув ва ҳаводек зарур" деб таъкидлаши ҳам жуда ўринли эди.

КОЛЛЕЖДАГИ МУЛОҚОТ

Оққўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи кичик агрономлик, бухгалтерия, фермер-ўсимликшунос, механика бўйича ўрта бўғин кадрлари тайёрлашга ихтисослаштирилган. Коллеж 2002 йилда ўзининг илк битирувчиларини диплом билан тақдирлашга ҳозирлик кўряпти. Улар 324 нафар.

Коллеж ўқитувчи-мураббийлари, ишлаб чиқариш усталарининг "Маърифат" газетасига муносабатлари қандай? Очиқ ва юзма-юз мулоқотдан биз шу саволга жавоб истадик.

Таҳририят номидан борган ижодий гуруҳ билан учрашувда коллеж ўқитувчилари ўз таклиф-мулоҳазаларини айтишга назаримизда унчалик жўраст этмадилар. Умумий ҳисоб-китобга кўра, бу ерда 33 нафар ўқитувчи-мураббий ишлайди. Агар уларнинг ҳар биридан битталан таклиф-мулоҳаза билдириланда, бу рақам 33 тани ташкил қилиши керак эди. Саодат Ҳусанова, Иброҳим Тошпўлатов, Шоира Қобилова, Барно Тўрабоева, Маҳмуд Мирзабековлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ён дафтарчамизга қайд қилиб қўйдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муштарийлар билан юзма-юз бўлиш, уларни тинглашдан келгусидаги фаолиятимиз янада жонланишига имкон борлигини ҳис қилдик. Зеро, эртанги кун учун ҳаракат ҳамиша бугундан бошланади.

ФАОЛЛАРГА СОВҒАЛАР БЕРИЛДИ

Пойтахт вилоятида "Маърифат" кунлари Тошкент вилоят ХТБ биносидаги халқ таълими фаоллари ва "Маърифат" газетаси ходимлари учрашуви билан нихоясига етди. Учрашувни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини Убайдулла Парпиев кириш сўзи билан бошлаб берди. Шундан сўнг мулоқот бошланди.

Газета — халқ минбари. Унинг муштарийлар эҳтиёжлари, қизиқишларини нечоғли қондираётгани мана шундай юзма-юз мулоқотларда янада аниқ намоён бўлади. "Маърифат" ўқувчилари — соҳа фидойиларини қизиқтирган саволларга газета бош муҳаррири Ҳалим Саидов жавоб берди. Газетхонлар билдирган истаклар "Маърифат"нинг кейинги иш режаларида акс этиши қайд қилинди.

Учрашув сўнгида "Маърифат" газетасининг энг фаол муштарийлари бўлган бир гуруҳ таълим фидойиларига газетанинг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА,
Б.ЖОВЛИЕВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбирлари

Суратларда: Оққўрғон туманидаги "Маърифат" куни"дан лавҳа.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Ўқувчиларнинг умумтаълим мактабларида олган билимларини чуқурлаштиришда, ёшларни ҳар жиҳатдан комил ва соғлом бўлиб вояга етишувида мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди.

Бугунги кунда вилоятда кўплаб

ТЎГАРАК — ЭЗГУ МАКСАДГА ЙЎРГАК

тўгаракларнинг очилган бўлиб, уларда 47263 нафар бола ўз қизиққан тўгаракларига қатнашмоқдалар. Бундан ташқари ҳар бир умумтаълим мактабларида ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга бирор касбга ёки ўз севган фани бўйича чуқурроқ билим олишга қаратилган ижтимоий ва фан тўгараклари фаолият юритмоқда, буларда айни вақтда 194084 нафар ўқувчилар таҳсил олишмоқда.

Шуни эътироф этмоқ жоизки, ушбу муассасаларда таълим-тарбия олаётган ўқувчи-ёшларга халқимиз маданияти, урф-одати, дунё эътироф этган боболаримиз Ал Фарғоний, Ал Буҳорий, Алишер Навоий каби улуғ алломаларимизнинг таваллуд кунларига бағишланган кечалар, ҳар хил тадбирларнинг ўтказиб борилиши болаларнинг зўр қизиқишларига сабаб бўлаётган бўлса, тўгарак ўқувчилари ўртасида "Иқтидорли ўқувчилар слёти", "Қўшиқ байрами", "Сиз қонунни биласизми?" каби кўрик-танловларнинг тез-тез ўтказиб борилиши ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини тобора мустаҳкамламоқда.

Маълумки, фарзанд тарбиясида унга ёшлигидан сабоқ, ҳар бир ўғит муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу тўғрида улуғ донишманд боболаримиз ҳам фикр билдириб, болага ёшликдан берилган билимни тошга ўйиб ёзилган нақшга менгзашган.

Дарҳақиқат, шундай. Шу боис ҳам узлуксиз таълим тизимини яратишга бел боғлаган ҳукуматимиз мазкур тизимга алоҳида эътибор бераётир.

Мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия соҳасининг муҳим босқичларидан биридир. Вилоятимиздаги 581 та мактабгача таълим муассасаларида 60,1 минг бола тарбияланмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш биринчи босқичини бажариш юзасидан белгиланган вазифаларнинг асосий йўналишлари республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган

ТАРБИЯ БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ

"Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари", "Мактабгача таълим тўғрисида Низом", "Мактабгача таълим муассасаларининг", болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга киритилган "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури босқичма-босқич таълим жараёнига жорий этилмоқда ва амалиётга татбиқ этиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия жараёнининг шакл ва мазмунини такомиллаштиришга, айниқса, болаларни жисмоний, ақлий, эстетик, меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Миллий дастурнинг асосий талабларидан бири бўлган узлуксиз таълимни ташкил этиш мақсадида вилоятнинг Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон, Янгийўл шаҳри, Қибрай, Тошкент, Ўртачирчиқ туманларида "Боғча-мактаб" комплекслари ташкил этилди. Шуниси эътиборлики, мазкур мажмуаларда таълим олаётган фарзандларимиз боғча давридаёқ ўз иқтидорларини намоён этишга қодир бўлмоқдалар. Вилоятда жорий ўқув йилида ана шундай комплекслар сони 78 тага етди. Бу комплексларда мактабгача таълим олишда болаларга чет тили, компьютер саводхонлигини ўрганиш, алифбосиз ўқишга замин яратиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилган. Ҳозирда вилоятнинг 165 та болалар боғчаларида инглиз тилини ўрганиш гуруҳларида 1628 нафар бола таҳсил олиб, ўз она тилида бийрон сўзлашлари баробарида чет тилларда ҳам ўз даражаларида сўзлаша олишлари, бемалол ушбу тилда шеър айта олишларини кўриб дилинг яйрайди.

Бундан ташқари вилоятда болаларни мактабга тайёрлаш, оиладаноқ таълим беришни ривожлантириш бўйича кўплаб тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Бу борада боғчаларга қатнамаётган болалар учун боғчалар қошида тайёрлов гуруҳлари ташкил этилган. Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларида 6 ёшли болалар боғчаларидаги "Қисқа муддатли гуруҳлар"га жалб қилинган. Боғчаларда айниқса, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида "Соғломжон-полвонжон" спорт мусобақалари ўтказилиши эътиборлидир.

Кўш саҳифа материалларини Б.Жовлиев тайёрлади.

Агар ўқувчи топширилган вазифани етарли даражада ўзлаштирган бўлса, у навбатдаги дарсни ўқишга ўтган, агарда қониқарсиз ўзлаштирган бўлса, ўқитувчи унга келгуси дарсда ҳам шу сабоқни такрорлашни топширган.

Teran tomirlar

ҚАДИМГИ МАКТАБЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Ўзбек анъанавий мактаб-маориф тизимида бошланғич мактаблар ва улардаги билимларни баҳолаш мезонлари хусусида

Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири аждодларимиз меросини ўрганиш ва уларнинг замон талабларига мувофиқ келувчи жиҳатларини қадрият сифатида қайта тиклашдир.

Тарихий манбаларда айтилишича, республикамиз ҳудудида ўрта махсус ва олий таълим ўчоқлари ҳисобланган дастлабки мадрасалар, чунончи, Форжак мадрасаси (Абу Бакр Муҳаммад Нархаший "Бухоро тарихи" асарида 937 йилги ёнғинда уни зарар кўрган, деб айтиб ўтган) каби зиёлилар тайёрловчи билим масканлари фаолият кўрсатган, юртимизда миллий анъанавий таълим тизими шакллана борган. Ўзбек анъанавий таълим тизими таркибини: бошланғич мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари — мадрасалар, хусусий таълим, ихтисослаштирилган таълим ва мустақил таълим шакллари ташкил этган.

Миллий анъанавий таълим тизимининг дастлабки босқичи ҳисобланган бошланғич мактаблар, собиқ совет тузумигача Ўрта Осиё туб жойли аҳолиси болалари учун хат-савод чиқариш масканлари бўлиб, улар юртимизда VIII асрларда пайдо бўлган. Тарихий манбаларда Туркистондаги биринчи ибтидоий мактаб ҳижрий 94-йили (мелодий 713 й.) Қутайба ибн Муслим Бахилий томонидан Бухоро аркида, зардуштийлар эҳроми ўрнида бунёд этилган, дейилади. 1896 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган катта энциклопедияда Ўрта Осиё анъанавий мактабларига қуйидагича таъриф берилган: "Мактаб — мусулмонларнинг масжидлар қошидаги хат-савод чиқариш ва диний удумларни ўзлаштириш даргоҳи". Албатта, чор мустамлакачилари томонидан мактабга нисбатан берилган ушбу таърифни унчалик тўғри ва тўлиқ деб бўлмайди. Сабаби, мактабларда болалар хат-савод чиқариш билан бир қаторда арифметикадан дастлабки билимлар олганлар, ёзувга ўргатилганлар, мадрасаларга ўқишга кириш учун зарур билимларни эгаллаганлар.

Одатда, болалар 6-8 ёшлар атрофида, айрим иқтидорли болалар 4-5 ёшданоқ мактабга ўқишга берилган. Чунончи, Садриддин Айний тўрт яшару тўрт ой, тўрт ҳафта ва тўрт кунлигида, Мирзо Абдулқодир Бедил беш ёшу беш ойлигида мактабга бориб, етти ёшликларида Қуръонни бемалол ўқиганлар. Ўқув курси 5-8 йил давом этган. Ўқишнинг давомийлиги домланинг илмий савиясига, ўқувчининг зеҳнига ҳамда ўқувчи оиласида унинг ўқишига нисбатан яратилган шароит ва муҳитга боғлиқ бўлган. Мактабларда машғулотлар жума ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни қуёш чиқишидан аср намозигача давом этган. Тушлик учун танаффусга чиқилган. Ёз ойлари ва рўзаирамазон ойларида таътилга чиқилган.

Миллий анъанавий мактабларда мактаб харажати ва домлаларнинг даромади хайрия мулклари бўлмиш вақф мулкларидан тушган даромадлар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари томонидан ўқиш учун тўланадиган маблағлар ҳисобидан бўлган. Шариатга кўра илм ўрганиш учун мурожаат қилган кишига рад жавоби бериш оғир гуноҳ ҳисобланганлиги, ўқишга келган ҳар бир боланинг қайси ижтимоий тоифадан бўлишидан ва ўқиш учун қанча ҳақ тўлашидан қатъи назар ўқитувчилар зиммасига уларни ҳар қандай эътирозсиз ўқитиш вазифасини юклаган.

Қиз ва ўғил болалар алоҳида-алоҳида мактабларда ўқитилганлар. Ўғил болалар масжидлар қошида очилган мактабларда масжид имоми ёки муаззини, агар улар узрли сабабларга кўра рад этсалар, масжид қавми томонидан таклиф этилган, мадрасани тугатган бошқа зиёлилар томонидан ўқитилган. Шунингдек, улар хусусий мактабдорлар томонидан махсус мактабхоналарда ёки бадавлат ота-оналар ёллаган ўқитувчилар томонидан хонадонларда ҳам ўқитилганлар. Қиз болалар эса отин ойи ёки отин биби деб аталувчи ўқитувчи аёллар очган мактабларда таълим-тарбия олиб, хатсавод ўрганганлар.

Мактабларда ўқишга келган ўқувчига, аввало, мусулмончиликнинг қасамёди бўлган "Калимаи шаҳодат" дуоси ёдлатилган. Шундан сўнг 28 ҳарфдан иборат араб алифбоси, ҳарфлар ёзилган махсус тахтача — "лавҳ" ёрдамида ўргатилган. Ҳарфларнинг номини ўқитишдан ҳарф ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар — "ҳаракатлар" ёрдамида бўғин тузишни ўргатишга ўтилган. Кейинги ўқув босқичи "абжадхонлик" деб аталиб, бунда ўқувчилар бўғинларни қўшишга, "Абжад"га кўра ҳисоб ва кўпайтириш қоидаларига ўргатилган.

Анъанавий мактабларда эса китобхонлик "Ҳафтияк" (форсча "Қуръони каримнинг еттидан бири" дегани) китобини ўзлаштириш билан бошланган. Қуръон ва "Ҳафтияк" каби араб тилидаги китобларни ёдлаш орқали ўқувчилар ўқув дастури бўйича халқаро араб тилида ўқитишга асосланган ўрта махсус ва олий ўқув юртлари бўлган мадрасаларга ўқишга кириш учун лексик заҳира йиғиб борганлар. Саводи чиққач, болалар диакритик белгиларсиз насталиқ ёзувида форс-тожик тилида ёзилган "Чор китоб", Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин", Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ-ут-тайр", Ҳофиз Шерозий, Фузулий, Бедил, Навоий, Машраб каби Шарқ классик мутафаккирларининг девонларини ўқиб сабоқ олганлар. Асосий мақсадларидан бири ўқувчиларга мадрасаларга ўқишга кириш учун фундаментал билимлар бериш ва жамиятнинг одоб-ахлоқ меъёрларини сингдириш бўлган ўғил болалар мактаблари ўқув дастуридан фарқли равишда, қизлар мактабларида араб тилидаги Қуръон матнларини ёдлатишга нисбатан Шарқ классик шоирлари ижодини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилган. Шунингдек, уларда қизларни аёллар тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари, чунончи, уй-рўзғор тутиш, пазандалик, покизалик, шарқона одоб-ахлоқ меъёрлари кабиларга ўргатувчи Алий Назимонинг "Таълими банот" ("Қизлар тарбияси"), Олимат-ул-Банотнинг "Муошарат одоби", Фахриддин ибн Ризоуддиннинг "Тарбияли хотун" каби дарсликлар ҳам ўқитилган.

XIX асрнинг охирларидан пайдо бўла бошлаган жадид усулидаги мактаблардан фарқ қилган ҳолда, ўзбек анъанавий мактабларида болалар ўқишни тўлиқ ўзлаштириб олгандан кейин ёзишни ўрганишган. Ўқувчилар, одатда, "Сўфи Оллоёр", баъзан "Хўжа Ҳофиз" китобларини ўқий оладиган бўлгандан кейингина "хатга тушган". Ёзувга ўргатиш бир неча босқичда олиб борилган. Дастлаб алоҳида ҳарфлар ёзилган (муфрадот босқичи), кейин ҳарфларни қўшиб ёзиш машқлари (мураккабот босқичи), сўнгра икки мисрали байт, қитъа, рубоийларни кўчириб ёзиш(мукаттаот машқлари)га ўтилган. Ва ниҳоят, дуойи салом ҳамда иш юзасидан қоғозлар ёзилган. Домлалар болаларнинг ёзувини такомиллаштириш учун уларга "тахта ёзиш" (лавҳга ҳарфларни ёзиш), айрим шоирларнинг китобларидан парчалар кўчириб ёзиш машқларини ҳам бажартирганлар. Ёзувга ўргатишда ўқитувчилар "Бадоиул-Иншо", "Муншоат", "Дастур-ул-куззот", Саидсалоҳиддинхўжа ибн Оловиддинхўжанинг "Муфрадот", Шермуҳаммад Авазбек ўғли Мунисниинг "Саводи таълим" каби дарслик қўлланмаларидан ҳам фойдаланганлар.

Ўқитиш синф дарс тизимида олиб борилувчи замонавий мактаблардан фарқ қилиб, анъанавий усулдаги мактабларда ўқувчилар билан машғулотлар якка тартибда олиб борилган ва бир домладан сабоқ оладиган, мактаб ўқув курсининг турли босқичларида ўқитилаётган болаларнинг ҳаммаси бир синфхонада ўтириб ўқитилаверган. Шунга мувофиқ, дарсхонанинг тўрида Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб, Ҳофиз Шерозий, Сўфи Оллоёр асарлари, "Чор китоб" каби мураккаб қўлланмаларни ўрганаётган ўқувчилар, ўртада Қуръон, "Ҳафтияк" ёдлаб ўрганувчилар, пойгақда "абжадхонлар" (бўғинлаб ўқувчилар, "Абжад"га кўра ҳисоб ва кўпайтиришни ўрганувчилар), "тахтахонлар" (араб алифбоси ҳарфлари ёзилган махсус тахтача — "лавҳ"даги ҳарфларни ёдлаб ўрганаётган ўқувчилар) ўтирганлар. Ўқитишдаги бундай ўзига хослик ўқувчиларни ўқишга йилнинг аниқ белгиланган пайтида эмас, балки йил давомида қабул қилинаверишига имкон берган.

Классик усулдаги ўзбек миллий мактабларида ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш ўзига хос бўлиб, уларда болаларнинг индивидуал қобилиятларига катта эътибор қаратилган ҳамда билимлар ўзлаштирилишига қараб "қониқарли" ёки "қониқарсиз" деб баҳоланган. Агар ўқувчи топширилган вазифани етарли даражада ўзлаштирган бўлса, у навбатдаги дарсни ўқишга ўтган, агарда қониқарсиз ўзлаштирган бўлса, ўқитувчи унга келгуси дарсда ҳам шу сабоқни такрорлашни топширган. Шу тарзда ўқувчи сабоқдан қониқарли даражада билим олмас экан, унга янги сабоқ берилмаган. Ўқитувчининг синовларидан ўтган болалар "тахтахонлик"дан "абжадхонлик"ка, ундан "ҳафтиякхонлик" ва кейин "китобхонлик"нинг бошқа мураккаб босқичларига ўтказилган. Шунга мувофиқ иқтидорли болалар ўз қобилиятларига кўра бошланғич мактаб курсини тез фурсатда ўзлаштириб, таълимнинг кейинги юқори босқичига ўтганлар, нисбатан ўқишга қобилияти суст, дангасароқ болалар бу мактабларда анча узоқ вақт ўқиганлар. Иқтидорлилар эса алоҳида рағбатга сазовор бўлган. Масалан, Алишер Навоий бошқа тенгдошлари Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" тўпламларидаги шеърларни ўқиганларида, у уларга нисбатан мураккаброқ бўлган, тасаввуф тариқатининг йирик намоёндаси Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" асарини қизиқиш билан ўрганган ва тез ўзлаштирган...

Болаларни ёзувга ўргатишни баҳолашда ҳам индивидуал мезон асосий восита ҳисобланган. "Муфрадот" босқичини қониқарли ўзлаштирган болалар учун "мураккабот" машқларига ўтиш, уни етарли даражада эгаллаган ўқувчилар учун "мукаттаот" машқларига ва ундан дуойи салом ҳамда иш юзасидан қоғозлар ёзишга ўтиш ўқувчиларни рағбатлантириш ва баҳолаш усуллари ҳисобланган.

Ижтимоий тараққиётнинг ўсиши, замон талаблари билан боғлиқ тарзда XIX аср охири — XX аср бошларида тараққийпарвар миллий зиёлилар томонидан классик усулдаги анъанавий мактаблар европача усулда бирмунча ислоҳ этила бошланди. Чунончи, уларда машғулотлар синф дарс тизимида ўтилган;биринчи дарслик сифатида она тилидаги алифбо ўқитилган; савод товуш услубида чиқарилган ва ўқувчилар ёзувга ўқиш билан бир пайтда ўргатилган; математика, жуғрофия каби табиий фанлар ўқув курсининг мажбурий ўқитиладиган фанлари бўлган; айрим мактабларда ўқувчилар парталарга ўтирганлар, дарс давомида кўргазмали ўқув қуролларидан фойдаланилган. Мазкур ислоҳот чораларидан кўриниб турибдики, улар анъанавий бошланғич таълим асосларини сақлаб қолган ҳолда уни такомиллаштириш ва замонавий таълим даражасига кўтариш мақсадларига қаратилган эди.

Бироқ, афсуски, давлат тўнтариши натижасида ўрнатилган собиқ совет тузуми бу миллий анъанавий бошланғич билим масканларида гўёки дин ва хурофот ўчоқларини кўрди ҳамда уларни тубдан тугатиб юборди. Ваҳоланки, уларда ёдлаб ўқитишга, ўқувчиларнинг шахсий қобилиятига, уларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилганки, бу орқали иқтидорли болалар келажакда араб ва форс тиллари каби халқаро тилларни тез ўзлаштирганлар, Шарқ мутафаккирларининг асарларини қийинчиликсиз ўзлаштириб, ўзлари ҳам жамиятда муносиб мавқени эгаллаганлар. Айниқса, билимларни баҳолашда шахсий истеъдод ва иқтидорга диққат қилинганлиги қобилиятли ўқувчиларнинг тезроқ мактабни тугатиб, ўқишни мадрасаларда ёки таълим тизимининг бошқа кўринишларида давом эттиришларига сабаб бўлган. Қисқаси, ўзбек анъанавий мактаб-маориф тизимида бошланғич мактаблар ва уларда билимларни баҳолаш мавзуси билан илмий танишиб чиқиш ҳамда таҳлил этиш, мазкур маданий меросниинг ижобий жиҳатларини чуқурроқ ўрганмоқ, бу анъаналардан Ўзбекистоннинг замонавий давлат ва нодавлат таълим муассасалари фаолиятида қадрият сифатида фойдаланмоқ лозим, деган асосли хулосага олиб келади.

Гулнор СОЛИЖОНОВА,
ЎзР ФА Тарих институтининг докторанти, тарих фанлари номзоди

Юрий ЯКОВЛЕВ

Ўқитувчи

Hikoya

Шундай пайт келадики, ўқитувчининг кераги бўлмай қолади, дейишади баъзилар...

Мана, у ниманики ўргатишга қодир бўлса, ўргатиб бўлди, энди поезд кетиб бораяпти. Ўқитувчи каттакон бўш вокзалда бир ўзи қолди. Агар поезд деразасидан бош суқиб қаралса, унинг ҳамон поездни кузатиб турган якка жуссасини узоқ-узоқлардан ҳам пайқаш мумкин. Сўнг у нуқтага айланди. Поезд ғилдиракларининг тақир-туқири аллақачон тинган бўлса ҳамки, у ҳамон турарди. Шу тобда унинг поездни тўхтатгиси, ортига қайтаргиси келди, ахир, шу поезд билан ўзининг ҳам бир бўлаги, энг қимматли бўлаги кетаяпти-ку!

Поезд унинг истагини писанд қилмай, кўздан йўқолиб кетди. Гўё у туманда эриб кетгандай бўлди, далаларга, қирларга қўшилиб кетди. Ўқитувчи атрофига қаради. Во ажабо! Вокзал болаларга яна лиқ тўлиб турибди, улар тиниб-тинчишмас, туртишиб, тиқилишиб бир-бирининг пинжларига суқилишар, четроқдагиларни итаришар, бетоқатлик билан ўз навбатларини кутишарди. Кўзларидан "Тезроқ шошилинг, муаллим. Кутдириб қўйдингиз бизни. Сиз бизникисиз, ҳеч кимга ташлаб қўймаймиз сизни. Кела қолсангиз-чи!" дейишаётганини уқиш мумкин эди. Шунда ўқитувчи поезднинг кетганини ҳам, бўш вокзални ҳам унутди.

Ҳа!.. Аслида ҳеч қандай вокзал бўлмаганди. Қора ёзув тахтаси, бўрнинг оппоқ уфрқларига ботган ўша қоп-қора тахта. Деразада наврўзгул ўсган тувак. Деворда бир машҳур олимнинг сурати.

Ўқитувчимизнинг қулоқлари учи доим қип-қизариб турарди, гўё у эндигина изғиринда қолгандек. Ўқитувчи ёзда ҳам ўша қизил қулоқлари учини ўқтин-ўқтин ушлаб қўярди, ўта ҳаракатчан, тийрак, кўм-кўк кўзлари эса доира бўлиб ўйнаб турарди. Дарс пайтида улар икки кичик экранга айланар, улардан гоҳ вулқонлар отилар, гоҳ музликлар силжир, бақаларни сапчитиб жала қуярди.

Эсимда, Ўқитувчимиз бир куни синфга дадил кириб келдию кафти билан қулоқларини яна ишқаб туриб, остонадаёқ эълон қилди:

— Янги Коледонияда бақали ёмғир ёғибди.

Синфдагилар ўринларидан туриб кетишди, сўнг ҳамма кулиб юборди.

— Бақа бечораларнинг эса кулишга фурсатлари бўлмаган, — жуда жиддий сўзлади Ўқитувчи. — Кучли довул уларни ўз қадрдон ботқоқларидан узиб, ашаддий тезлик билан океан устидан учириб ўтган, улар ўз пардали оёқларини қуш қанотидек силкитиб учиб борганлар. Эҳтимол, арз-дод солиб қуриллашгандир. Ҳар ҳолда учиш улар учун мароқли бўлган, деб айта олмайман. Шамол кутилмаганда тиниб қолгач, бақалар ёмғир томчилари оқими билан ерга ёғилишган.

Биз Ўқитувчининг кўзларига қараб ўзимизни катта очилган ёмғирпўшлар остида ҳис қилдик. Бақаларнинг тепадан урилаётганини шундоққина сезиб, эшитиб турардик. Қизлар ҳатто уввос солишди.

Бир куни Ўқитувчи рўпарамда тўхтаб, елкамга қўлини ташлади. Сўнг деди:

— Ҳар биримизда абадий ҳаракатдаги мотор бор. Масалан, сенда ҳам.

Атрофдагилар менга қизиқиб қарашди. Мен эса унинг қўш экран кўзига, бу саволга жавоб қидириб, қараб қолдим. Ўқитувчининг кўзлари сеҳрли шуъла сочиб турарди.

— Менда абадий мотор... йўқ, — дея олдим.

— Бор!

Ўйланиб қолдим. Менда бор барча нарсаларни кўз олдимга келтирдим: самокат, велосипед, ролик, резина билан ҳаракатга келувчи учоқ. Улар орасида ўзидан ҳаракатга келувчиси, боз устига, абадийси йўқ эди.

— У доим сен билан. Ҳозир ҳам ўзингда, — Ўқитувчи мен билан бекинмачоқ ўйнаётганга ўхшарди.

Чўнтакларимни қайта текшириб чиқдим, портфелимни очиб қарадим. Бироқ абадий моторга ўхшаганини топа олмадим.

— Абадий мотор кўкрагингда, — кўзини мендай ҳамон узмай деди Ўқитувчи. — Бу сенинг юрагинг. У тун-кун, қиш ва ёз тинмайди. Танафуссиз, абадий.

Ихтиёрсиз, кўкрагимни пайпасладим ва юрагимнинг кучсизгина талпинишини туйдим. Синфга сукунат чўкди. Ҳамма ўз абадий моторининг қандай ҳаракат қилаётганини текшириш билан банд эди.

Ўқитувчи биз идрок этмаган, билмаган дунёни биз учун бирин-кетин, тадрижий кашф этарди. Унинг ҳар бир янги кашфиётидан сўнг дунё танг қолдирарли, ғаройиб, ҳатто мислсиз, эртаксимон бўлиб қоларди. У оддий нарсаларнинг шундай қирраларини топиб бизга англатардики, улар онгимизда биз учрамаган салоҳияти билан намоён бўларди. Шундайку-я, бироқ унинг асосий дарси ҳали мени олдинда кутаётган экан...

Бир куни мен кинохонада ўзим кутмаган ҳодисага дуч келдим. Кутиш залида одамлар орасидан ўтаётиб, бирданига тарбиячи опамизга кўзим тушди. Бўйлари узун, сарғиш сочли тарбиячи опамиз чиройли қора кўзойнак тақиб олганди. У билан ёнма-ён бир узун бўйли йигит турарди. Улар нонтувакли музқаймоқ еб, нима ҳақидадир жуда иноқлик билан суҳбатлашишарди. Бошда кўзларимга ишонмадим, бироқ эринмай олдиларидан қайта ўтгач, шубҳага ўрин қолмади — бу шаксиз ўша эди. Ҳаяжондан лоладек қизариб кетдим. Кейинроқ залга ҳамма тўп-тўп бўлиб кирганида ҳам уларни кўздан қочирмадим, шундоққина олдинроғимда ўтиришарди. Экран қолиб уларга қарардим. Ҳатто ўша йигит тарбиячимиз ўтиргичи суянчиғига қандай қилиб қўлини қўйиб олганини ҳам кўриб турардим. Шу онда чироқ ўчиб, менинг кузатувим энг қизиқ жойида узилиб қолди.

Эртасига синфга одатимдагидан анча барвақт отилиб кирдим. Кирдиму кечаги кўрганларимни ошиғич иштиёқ билан сўзлай бошладим. Мен болаларга нонтувакдаги музқаймоқ ва ўтиргич суянчиғига чўзилган қўл ҳақида сўзлардим. Ҳамма мириқиб ҳиринглашарди. Шунда орқа томондан енгил томоқ қирилишини эшитдим. Ўгирилиб қарасам, Ўқитувчи турибди, у бир сўз ҳам демай, мени ўз олдига имлади ва икковимиз даҳлизга чиқдик.

— Ҳозир сен синфга кириб, - деди Ўқитувчи мен умуман йўқдек, қаёққадир қараб, - кинода ҳеч кимни учратмагандим, дейсан. Музқаймоқ ва ўтиргич суянчиғини ўзинг ўйлаб чиқарганингни ҳам айтасан.

— Бироқ уларни мен ўз кўзим билан кўрдим-ку!

— Ҳа, сен уларни кўрдинг. Бироқ бу ҳақда сен чурқ этмаслигинг керак эди. Қандай уят!

— Ҳақиқатни гапириш уятми? — бўш келмадим ва унга гердайиб қараб қўйдим.

— Бундай ҳақиқат сенга тегишли бўлмайди. Агар одамлар ўзларига тегишли бўлмаган ва ўзлари огоҳ бўлган барча ҳақиқатларни сўзлайверсалар, гап томоқларига тиқилиб қолади. Биров ҳақидаги ҳақиқатни ҳамма билавериши шарт эмас.

Шу ўринда Ўқитувчини тузоққа туширмоқчи бўлдим, бу мен учун нажот эди.

— Демак, ёлғон сўзласа ҳам бўларканда!?

— Яхшиси, жим қолиш, — деди Ўқитувчи. — Бировнинг сири дегани нималигини биласанми? Бу ҳам ҳақиқат, бироқ у ҳамманики эмас. Сен бировга тегишли сирни ошкор қилиб қўйдинг. Бу бировнинг ҳамёнига чанг солишга ўхшайди. Қандай қабоҳат!

Энди мен ўзимни қўярга жой топа олмай Ўқитувчига боқардим, қандай йўсинда эътироз билдиришни билмасдим. У деди:

— Бор! Ҳаммасини ўйлаб чиқарувдимде!

— Алдайинми? — чўрт кесдим мен.

— Шу аҳволга ўзингни ўзинг туширдинг. Демак, энди ҳақиқат йўлида ёлғон сўзлайсан.

Синфга имиллаб маъюс кирдим ва тушкун бир оҳангда ҳаммаси ёлғонлигини, ҳеч қандай тарбиячи кинода бўлмаганлигини, дароз йигитни ҳам учратмаганимни, уни ўзим ихтиро қилганимни сўзладим.

— Сафсатавоз, — деди болалардан бири.

— Ёлғончи, — деди бошқаси.

Мен ҳаммасини ичимга ютдим.

Кунлардан бирида мени катта синфда ўқийдиган давангирдай бола муштлаб қолди. Аммо бу ҳаммасимас. У мени ўзим ёқмоқчи бўлган қиз олдида муштлади. Беҳад ранжидим, узоқ вақт азобланиб юрдим. Олдимга яна Ўқитувчи келди ва яна қўлини елкамга қўйди:

— Сен уни уришинг керак.

— Қандай қилиб? — Тўсатдан аламим бадтар қўзиди.

— Оддийгина қилиб... Ҳамма қанақа урса, ўшанақасига.

— Ахир, у мендан катта ва анча кучли-ку! — бидилладим.

— Ким ҳақ бўлса, ўша кучли! Ким ҳақ бўлса, қанча аламга гирифтор бўлмасин, барибир ғолиб келади. Эсингда тут: маглубларни қизлар ёқтиришмайди.

Ўқитувчи билан бўлган бу суҳбатимиздан кейин анчагача қатъий бир қарорга кела олмай юрдим. Ниҳоят, кунларнинг бирида ўз туйғумни енгдим. Қўрқувни қувиб юқорига, мени ранжитган ўша бола ўқийдиган қаватга кўтарилдим. Уни эшик олдида пойлаб турдим. Бир пайт лапанглаб синфдан чиқиб кела бошлади. Шунда бор кучим билан таваккалига унга ташландим. Даб дурустдан зарба бериб агдариб юбордим уни.

Туйқусдан тушган муштдан ўзини ўнглашга улгурмасидан, мен магрурона ўз қаватимга жўнаб қолдим.

Ўша ўзим ёқмоқчи бўлганим қизга ҳеч нарса айтмадим, бироқ у менинг ғолибона нигоҳимдан ҳамма нарсани тушунди. Бунинг устига тиззаларим ҳам ларсиллаб, сирдан ҳануз огоҳ қилиб турарди.

Эртасига мени илмий бўлим мудирамиз чақиртирди.

— Бу қандай янгилик? — хитоб қилди мудирамиз, — ким сенга муштлашишни ўргатди.

— Ўқитувчим, — мен жавобга тайёр эдим. Мудира сапчиб турди:

— Ўқитувчинг? Нима деяётганингни тушуниб турибсанми ўзинг?!

— Тушуниб турибман, — дедиму бироқ ўша заҳотиёқ бунақа демаслигим кераклигини фаҳмладим. — Йўқ, албатта. Ўқитувчим эмас, ўз-зим. Ўзим шундай қилдим.

Мен яна ўзаро унчалик боғланмаган бир қанча далилларни айтиб ташладим. Бироқ ғишт қолипдан кўчганди.

— Ёлғон сўзлашни ўша ўқитувчинг ўргатдими? — Мудира опа ўзининг беаёв саволлари билан беҳол қилиб юборди.

— Ҳа, тўғриси йўқ.

Фикрларим чалкашиб кетди. Бир фалокат бўлмасин деб олдинга отилдим ва шангилладим:

— Ўзим урганман, бироқ у мени биринчи, илгари урганди. Уни шунинг учун ҳам урдим-ки, қизлар маглубларни ёқтиришмайди.

— Нима?.. Яна нималарни валдираяпсан?

Мудира опа шунақа қатъий, аскарчасига одим отиб жўнаб қолдики, оёқлари остидаги паркет ёғочи ғирчиллаб кетди.

— Кечиринг мени, Ўқитувчим! Мен Сизга хиёнат қилдим. Йўқ-йўқ, сотқинлигим туфайли эмас бу. Сиз менинг ҳар бир сўзимни салмоқлаб, ўйлаб олиб сўзлашга ҳали ўргатмаган эдингиз. Эҳтимол, атайин шундай қилгандирсиз. Эҳтимол, ўз дўлворлигиму инсондаги энг аъло хислат — самимийликни йўқотмаслигим учун шундай қилгандирсиз.

Мудира опага абадий моторни — Ўқитувчи юрагини тўхтатиш насиб бўлмади.

Поезд олга силжийди. Вагон деразасини очиб, мухолиф шабадага юзларимни буриштириб қачон орқага қарамайин, бўш вокзал майдонини ва менга ўз юрагининг бир парчасини жойлашга улгурган ўша одамнинг миқтигина ёлғиз жуссасини кўраман. У ҳаёт, орқамдан ўйга толиб, изларимга қараб турадi. Гўё менинг тўғри йўлдан кетаётганимга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлаётгандай! Эҳтимол, ҳозиргача ҳам у мени "ўша бола" сифатида кўрар?!

Ғилдираклар дўқиллаб боради, қулоқларда шабада шод ҳуштак чалади. Мана яна кўриб турибман: вокзал саҳнида болалар чопиб юришибди. Улар туртишиб, бир-бирларига суқилишиб Ўқитувчи ҳузурига шошилаяптилар.

Русчадан Эминжон ТАЛАБОВ таржимаси.

Менга ҳакимлик санъатини ўргатган мураббий устозимни отаонам каби ардоқлайман, топганимни баҳам кўраман ва мухтожликда қолганида унга кўмаклашаман.

Moziydan sado

ГИППОКРАТ ҚАСАМЁДИ

Қасам—сўзнинг берилиши ёки "ичилиши". Шифокор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар Гиппократ қасамини қабул қиладилар ва шундай бўлиши ҳам керак.

Гиппократ номи билан тарихда қолган шахс аслида ким? Нима учун кўпгина мамлакатларда унинг қасамига содиқлик ҳукмрон?

ТАБИБЛАР СУЛОЛАСИНИНГ КИЧИК ВАКИЛИ

Кўҳна Юнонистон. Бу тупроқда таваллуд топиб, инсониятни лол қолдирувчи кашфиётлар яратган не бир алломалар, файласуфлар етишиб чиқмади. Жаҳон тиббиёт тарихида ёркин сиймога айланган Гиппократ ҳам ана шу қадим заминнинг фарзанди эди.

Қадимий Юнонистоннинг Кос оролида, эрамиздан аввалги 460 йилда туғилган Гиппократга табиблик отабоболаридан ўтган эди. Уни Сукрот Ҳаким деб ҳам аташган. Афсонавий табиб Подашрий Аскипийнинг ўғли ҳисобланади. Гиппократнинг отаси Гераклитнинг келиб чиқиши ҳам ана шу табибларга бориб тақалар эди.

Гиппократнинг бобоси ва отаси ҳам худди шу ном билан аталган. Кичкина вакил нафақат ота томонидан, балки она авлодидан ҳам табиблар оиласига мансуб эди. Шунга кўра бўлғуси табибнинг шифокорлик касбини танлаши тасодифий эмас, балки табиий эди. Ота-онасидан ўтган хислат, билим ва тажрибалар уни жуда ёшлигиданоқ шакллантириб ва улғайтириб қўйди.

Балоғат ёшига етган Гиппократ Афина шаҳрига кўчиб келгач, бу ердаги гуллаб-яшнаган маданият, адабиёт ва санъатдан лол қолди. Фозил кишилар—олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, драматург ва мусаввирлар табиблар сулоласининг улғайган вакилини ўз давраларида бажонидил қабул қилар эдилар.

Тиббиёт соҳасига бўлган қизиқиш Гиппократни фақат изланишга ундарди. У дала-тоғларни кезар, Афинанинг иқлими, суви, ҳавоси, тупроғи ва халқининг турмуш тарзини ўрганар, одамларда учрайдиган касалликларнинг сабабини эринмасдан изларди.

Юрган дарё, ўтирган бўйра, деганларидек, Гиппократ нафақат Афинада, балки Мисрда, кичик Осиёда, Ливия ва қадимги скифлар мамлакатида ҳам бўлди, яшади, кишиларнинг ҳаётини ўрганди. Турли географик зоналарда турлича одамлар яшар, улар ўз тана тузилишлари, хулқ-атворлари, мижозлари билан ҳам фарқланар эди. Бу хилма-хилликнинг ҳам ўз қонуниятлари бор, деган хулосага келди у. Инсон борлиқнинг бир қисмидир, унинг ташқи тузилиши ва ички руҳиятини табиат шакллантиради. "Одам организмининг табиатини ташқи муҳит белгилайди. Жамият эса ўз қонун-қоидалари билан одам табиатини ўзгартириши мумкин", деб ёзган эди буюк табиб ўз эсдалик ёзувларидан бирида.

ГИППОКРАТ ЁҚЛАГАН ҒОЯЛАР

Инсон туғилар экан, албатта уни ўраб олган атроф-муҳитда ўзига хос мафкура ҳукм суради. У ана шу мафкура таъсирида шаклланади. Одамзот ва табиатнинг ўзаро мувозанати, мутаносиблиги ҳақидаги хулосага келар экан, Гиппократ шу вақтга қадар ҳали ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бир фикрни айтди. Табиий шароитларга кўра, одамни 4 тоифага ажратиш мумкин, деди у. Булар—**шарқликлар, ғарбликлар, шимолликлар, жанубликлар** бўлиб, бу томонларнинг иқлими ва табиий шароитида тафовут бўлгани каби, одамлари ҳам турличадир. Хўш, дунёнинг тўрт томонида яшаётган кишиларни бир-биридан ажратиб турувчи фарқлар қандай?

Гиппократ шарқ мамлакатларида яшовчиларни **сангвиник**лар дея таърифлади. Бу тоифага мансуб шарқликлар улуғвор, вазмин, хушмуомала кишилардир. Уларнинг танасида **қон** устунлик қилар экан.

Иккинчи тоифага кирувчилар **холерик**лардир. Буларга шимол мамлакатларида яшовчилар кириб, кўринишлари қотма, мустаҳкам, иродали ва бақувват. Улар танасида **сафро** устунлиги сезилади.

Флегматиклар сирасига кирувчи жанубликлар табиатан кам ҳаракатчан, мижозлари сустдир. Улар танасида **флегма** яъни шилимшиқ модда жигардан ажралиб чиқувчи устун туради.

Меланхолик деб таъриф олган ғарбликлар, Гиппократнинг фикрича, мотамсаро ва ўйчандир. Меланхоликлар организмида **меланхола** — қора сафро устунлиги кузатилган.

Гиппократнинг фикрига кўра, ҳар бир тоифага мансуб кишиларнинг ўз касалликлари бор. Бемор қайси гуруҳга мансублиги аниқланса, унинг касаллигини аниқлаш ҳам осон. Флегматикларнинг миясида флегма кўп бўлгани боис у қуйи томон йўналиб, оғиз-бурун шамоллаши ва ундан ҳам пастга тушиб, ўпка ва ичак яллиғланиши касаллигини пайдо қилади. Холериклар эса флегматикларда учрамайдиган ўткир касалликлар билан оғриши мумкин. Сангвиник ва флегматикларнинг ҳам ўзига хос касалликлари бор. Буларнинг сабаби ички ва ташқи таъсирлар билан боғлиқ. Ташқи омилларга иқлим, обҳаво, сув, тупроқ, ер, давлат қонунлари, ҳатто сиёсий тузум ҳам киритилган. Ички омилларга одам организмидаги хилтлар, жигар ўти киради. Бундан ташқари, ички сабабларга беморнинг ёши, жинси, насли, кўникмаси, мойиллиги, ҳаёт тарзи ҳам киритилган. Кишининг жисмоний машғулот билан шуғулланиш-шуғулланмаслигини ҳам Гиппократ ички таъсир сифатида қайд қилган. Касалликнинг келиб чиқишида турмушдаги салбий ҳодиса ва овқатлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Унинг бу фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Гиппократ тўғри овқатланишни узоқ умр кўришнинг муҳим шарти деб билган. Ҳар қандай овқат маҳсулотида маълум даражада **ўт, қон, шиллиқ** ва **сув** моддалари бўлади. Киши истеъмол қиладиган таомларда бу модда бир хил мувозанатда бўлса, саломатлик сақланади. Агар ўша мувозанат бузилса, касалликлар урчийди.

ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Буюк табибнинг беморларга ташхис қўйиш ва даволаш усули нафақат ўша замон тиббиётида, балки бугунги кунда ҳам қўлланилаётганига гувоҳмиз.

Беморнинг аъзоларини пайпаслаб кўриш, бармоқ билан дукиллатиб кўриш (перкуссия), қулоқ қўйиб эшитиш (аускультация) усулларини Гиппократ ҳамиша қўллаган. Бетобланган кишининг пешоби, ахлати ва бошқа чиқиндиларини текширар экан, уларнинг ранги, ҳидига кўра ташхис қўйган. Кўкрак қафасидаги аъзолар—ўпка, юракка қулоғини қўйиб эшитар экан, буюк табиб безовтагарчилик сабабларини дарров илғарди. Ўпка пардалари орасига суюқлик йиғилганини билиш учун у беморни силкитиб кўрарди. Агар ўпкага сув йиғилган бўлса, чайқалган товуш берарди. Қорин бўшлиғидаги аъзоларни эса тери устидан пайпаслаб ушлаб кўрар, шу йўл билан қоринда вужудга келган касалликларни аниқларди.

Турли дардларнинг патогенези масаласида Гиппократ яратган кразия ва дискразия назарияси тиббиётга янги прогностика бобини киритди. Прогностика яъни беморнинг тақдирини олдиндан билиш жуда муҳимдир. Ҳар бир шифокор даволаш тадбирини белгилашда шунга таянади.

Ҳозир бутун дунёда ва барча даволаш муассасаларида қўлланилаётган "касаллик тарихи" варақаси ҳам Гиппократнинг ақлий заковатидан далолат берар эди. "Касаллик тарихи" га ёзиб олинган маълумотларни умумлаштириб, турли касалликларнинг асосий белгилари, уларнинг кечиши ва оқибати ҳақида хулоса чиқарилади. Шундан сўнггина даволаш чоралари кўрилади.

Гиппократнинг беморга ташхис қўйиш салоҳияти нечоғлик юқори бўлганлигидан далолат берувчи маълумотлар бор. Касалнинг ташқи қиёфасига разм солган табиб унинг дарди қанчалик оғир-енгиллиги, ҳаттоки унинг яшаб қолиши ва ўлимга юз тутишини олдиндан айтиб бера билган. Ўлим олдидаги беморнинг, деб таърифлайди Гиппократ, юзи кулранг тусга киради, кўзлари ич-ичига ботади, пешонасини тер босади. Табиб беморларга ҳарчанд меҳрини, мурувватини бергиси келса-да, у ҳам Оллоҳнинг азму иродаси қаршисида ожиз қоларди...

БУЮК ШИФОКОРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Гиппократ ва беморни ўша замонларда ҳам одамлар бир бутун вужуддек тасаввур қилишарди. Бу зотнинг 2500 йил муқаддам олиб борган илмий-ҳаётий изланишлари, таъбир жоиз бўлса, ҳозирги замон тиббиёт соҳасининг тагзаминидир. Гиппократ яратган илмий мерос шунга асосланадики, инсон ўзи учун бир марта ато этилган ҳаётда узоқ умр кўриши, соғлом насл қолдириши лозим. Улуғ табибнинг "Гиппократ тўплами" 72 та катта-кичик китобча ва мақолалардан иборат. Шулардан 12 тасини Гиппократ ўз қўли билан ёзган. Қолганларини унинг шогирдлари оққа туширган. "Ҳаволар, сувлар ва жойлар", "Тиббий қасам", "Эпидемиялар", "Прогностика", "Ўткир касалликларда парҳез", "Чиққан бўғинларни солиш", "Чиққан-синганлар", "Бошнинг жароҳатлари", "Ричаг", "Қонун", "Афоризмлар", "Қадимги тиббиёт ҳақида" асарлари Гиппократнинг тиббиёт соҳасидаги изланишлари самарасидир.

Гиппократ умр бўйи инсон, яшаш тарзи ва уни исканжага олган дардлар ҳақида ўйлади. Оллоҳ томонидан берилган илоҳий меҳр табиб юрагини то бу ёруғ олам билан видолашгангунга қадар тарк этмади. Табиб умрининг сўнгги йилларини Лариса шаҳрида ўтказган ва 83 ёшида бандаликни бажо келтирган. Лариссаликлар Гиппократ билан хайрлашув онларида унинг бошига олтин гулчамбар тақишган экан...

ДУНЁНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ҚАСАМ

Гиппократ табиблик амалига киришар экан, шундай қасамёдни қабул қилган эди: "Апполон Ҳаким, Аскипий, Гигиея, Панакея ҳамда барча худоларни гувоҳликка чақириб қасамёд қилиб айтаманки, ўз иқтидорим ва ақл-заковатимга мувофиқ қуйидаги қасам ва ёзма мажбуриятни ҳалол бажараман. Менга ҳакимлик санъатини ўргатган мураббий устозимни ота-онам каби ардоқлайман, топганимни баҳам кўраман ва мухтожликда қолганида унга кўмаклашаман, унинг авлодини ўзимнинг яқинларимдек иззат-ҳурмат қиламан ва агар, улар тиббий санъатни ўрганишни истасалар, ҳеч қандай шарт қўймасдан беғараз ўргатаман; тиббий қонун-қоидалардан келиб чиқувчи мажбурият ва қасамимга мувофиқ тарзда ўз фарзандим ва устозимнинг фарзандлари, ўқувчиларимга таҳсил бераман, оғзаки сабоқ ўргатаман ва таълимнинг турли жиҳатларидан хабардор қиламан.

Мен ўз кучим ва тафаккуримни беморлар фойдасига мос тушадиган, уларга сира ҳам зарар етказмайдиган ва адолатсизлик келтирмайдиган томонга йўналтираман; ўлим (ажал)дори сўровчиларга эса ҳеч нарса бермайман ҳамда шундай нияти борларга йўл-йўриқ кўрсатмайман. Шунингдек, ҳеч бир аёлга ҳомила туширадиган дори тутқазмайман; ўз ҳаётим ва санъатимни пок ва нуқсонсиз ўтказаман.

Қайси хонадонга кириб бормайин, касалга фойдам тегишини ўйлайман, қасд қилиш, номаълум ва гуноҳ ишлардан, айниқса, аёл ва эркаклар, озод кишилар ва қуллар билан ишқий муносабатда бўлишдан йироқ бўламан; беморни даволаш жараёнида ва ундан бошқа пайтларда унинг шахсий ҳаёти ва касаллигига таалуқли ошкор этиб бўлмайдиган сир-асрорларни кўрсам ва эшитсам ҳам уларни ҳамиша сир сақлаб лом-мим демайдиган, мендай инсонларнинг ҳаёти, санъати ва сўзи абадий бахтга тўлсин, мабодо қасам бузилса ёки ёлғон қасам ичилган бўлса, бунинг тескариси бўлсин".

Гиппократ қасамёди абадий ҳикматдир. Унда мудом дунёни тутиб турувчи кучлардан бири меҳру шафқатнинг боқийлигини кўрамиз.

Абдулаҳмат КУЗМЕТОВ,
биология фанлари номзоди



ЯДРО ҚУРОЛЛАРИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш ядровий қуроллар заҳираларини қисқартириш ҳақида қарор қабул қилганлигини маълум қилди. Гарчи, бу борада аниқ рақамлар келтирилмаган бўлса-да, мудофаа вазирлиги мутахассисларининг фикрича, ҳозирда мавжуд бўлган 7000 дона ядро қуролининг 1800-2250 тасигина мамлакат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун етарли. Бушнинг билдиришича, ўз навбатида Россия Федерацияси ҳам ядро қуролларини қисқартириши лозим. Айни вақтда Москва 6000 дона шундай қуролга эга. Келгуси ҳафтада эса Буш ва Путин ўртасида расмий учрашув бўлиб, унда 1972 йил Ракета Ҳужумидан Мудофаа тўғрисида имзоланган шартнома,терроризмга қарши курашиш масалалари муҳокама этилади.

ТИЗИМДА ҚАЙТА ҚУРИШ

Қўшма Штатлар бош прокурори Жон Эшкрофт, Федерал Тергов Бюроси (ФТБ), муҳожирлар хизматидан иборат Адлия вазирлиги тизимининг қайтадан тузилишини маълум қилди. Бундан мақсад терроризмга қарши анча таъсирчан кураш олиб боришдир. Ваҳоланки, тизимдаги ўзгаришлар 11 сентябрдаги террактлардан сўнг бошлаб юборилган эди. Аммо, бир неча қонуншунослар ФТБ ни гиёҳванд моддалар савдоси, банкларнинг талон-тарож этилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш борасида жуда кўплаб манбалар бўйича камомадга йўл қўйганликда айбламоқдалар. Уларнинг фикрича, бу йўналишлар бўйича бошқа агентлик ва полиция бўлинмаси шуғулланиши ҳам мумкин. Бундай нуқтаи назарни сенатор Чарльз Грэсли ҳам ФТБ директорига йўллаган мактубида ифода этган.

МУШАРРАФ БУШНИ КЎНДИРМОҚЧИ

Покистон Президенти генерал Парвез Мушарраф бугун БМТ бош ассамблеясининг навбатдаги мажлисида иштирок этади. Шунингдек, у АҚШ Президенти Жорж Буш билан Афғонистонда давом этаётган антитеррор кампанияни муборак Рамазон ойида тўхтатиб туриш масаласини муҳокама этиши кутилмоқда. Аммо, ҳозирга қадар Қўшма Штатлар бомбардимонларда танаффус бўлмаслигини айтиб келаётган эди. Шунингдек, генерал Америкага ташрифидан аввал, Буюк Британия, Франция, Туркия, Эрон давлатлари раҳбарлари билан терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш борасида музокаралар ўтказган.

КОМИССАР ХИТОЙГА КЕЛДИ

Рейтер агентлигининг хабар беришича, БМТ нинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мэри Робинсон Пекинга ташрифи чоғида мамлакат раҳбари Цзянь Цземин билан учрашди ва инсон ҳуқуқлари мавзуидаги анжуманда иштирок этди. Бундан ташқари комиссар Хитой ҳукумати билан фуқаролар эркинлиги борасида ҳамкорлик қилишга асосланган шартномани имзолади. Аммо, у мамлакатдаги жазолаш усулларининг қўлланишидан ташвишда эканлигини ҳам маълум қилди.

АҲМАД ҚОДИРОВГА СУИҚАСД

«Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, Аргун шаҳрида Чечен маъмурияти раҳбари А.Қодиров келаётган машинага ҳужум уюштирилган. Маълумотларга кўра, номаълум шахснинг пистирмадан туриб ўқ узиши туфайли уч нафар хавфсизлик хизмати ходимлари яраланган. Қодировнинг ўзига эса ҳеч қандай зарар етмаган. Ҳозирда жиноятчилар қидирилмоқда.

Шелков туманидаги Каргалинов аҳоли пунктида эса федерал кучлар автокалоннасига ҳам уч жангари ҳужум уюштирганлар. Аммо, жавоб зарбалари туфайли уларнинг бири йўқ қилинган, икки нафари жароҳатланган.

Nobel mukofoti sohiblari

Ўтган мақоламизда хабар берганимиздек, октябр ойида Нобель фонди қўмиталарида 2001 йил якунлари бўйича тадбирлар охирига етказилди. Ва янги мукофот соҳибларининг номлари эълон қилинди. Мана юз йилдирки, Альфред Нобель қолдирган васиятга биноан хар йили физика, кимё, тиббиёт ва физиология, адабиёт ҳамда тинчлик соҳаларида энг кўзга кўринган кашфиёт ва ихтиролар муаллифларига ушбу ноёб мукофот бериб келинмоқда. 1969 йили бу мукофотлар ёнига яна бир мукофот қўшилди. Бу ўша йилдан бошлаб Швейцария миллий банкининг 100 йиллиги муносабати билан таъсис этилган Нобель хотира мукофоти бўлиб, энг буюк иқтисодчи олимларга бериб келинмоқда. Лекин бу мукофотларни топшириш маросимлари асосий соҳалардан фарқли ўлароқ бошқа жойда ўтказилади. Бу йилги мукофот соҳибларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда шу соҳада жами 49 нафар олим бу олий мукофотга сазовор бўлган.

Энди янги Нобель мукофоти соҳиблари билан таништириб ўтамиз. Швеция Қироллик Фанлар Аадемиясининг қарори билан навбатдаги физика соҳасидаги Нобель мукофотлари бирваракай уч нафар америкалик олимларга берилди. Эрик А. Корнел, Волфган Котерле ва Карл Е. Вименлар ушбу ноёб мукофот соҳиби бўлдилар. Улар бу мукофотга "Ишқор атомлар зарядланган газларида юз берадиган Бозе-Эйнштейн конденсация ҳодисасини ўрганишдаги ва конденсатлар хоссаларини тадқиқ қилиш борасидаги илмий изланишлари учун" сазовор бўлдилар.

Эрик А. Корнел, 1961 йили АҚШнинг Калифорния штатидаги Пало-Алто шаҳрида туғилган. АҚШ фуқароси. 1990 йилдан фан доктори. Масачусетс техника институти ва Колорадо университети етакчи олими ҳамда профессори.

Волфган Кетерле, 1957 йили Олмониянинг Гейделберг шаҳрида туғилган. Асли Олмония фуқароси бўлиб, ҳозирда АҚШда яшайди. 1986 йилдан фан доктори. Массачусетс техника институти профессори.

Карл Б. Вимен, 1951 йили АҚШнинг Орегон штатидаги Корвалисе шаҳрида туғилган АҚШ фуқароси. 1977 йилдан фан доктори. Колорадо университети профессори.

Кимё бўйича Нобель мукофоти эса Швеция Қироллик Фанлар Академияси томонидан америкалик Уильям С. Ноулес, К. Барри Шаплес ва япониялик Риойи Ноёриларга берилди. Пул мукофоти эса қуйидагича тақсимланади: умумий мукофотнинг биринчи ярми Уильям С.Ноулес ва Риойи Ноёриларга, иккинчи ярми эса К.Барри Шаплесга берилади.

Уильям С. Ноулес, 1917 йили туғилган. АҚШ фуқароси. 1942 йилдан фан доктори. Колумбия университетида ва Сент-Луисдаги Монсато компаниясида ишлаган. 1986 йилдан нафақада.

Риойи Ноёри, 1938 йили Японияниинг Кобе шаҳрида туғилган. 1967 йилдан фан доктори. Нагои университетидаги материалшунослик илмий-текшириш маркази директори.

К.Барри Шаплес, 1941 йили Пенсилвания штатида туғилган. АҚШ фуқароси. 1968 йилдан фан доктори. Ла-Жока штатидаги илмий-текшириш институтида профессор.

Уилям С.Ноулес ва Риойи Ноёрилар "Гидрогенизация ходисасига тегишли катализлашган реакцияларини ўрганишга боғлиқ янги илмий тадқиқотлари учун" К.Барри Шаплес эса "Оксидланишга олиб келувчи катализлашган реакцияларни ўрганиш соҳасидаги илмий ютуқлари учун" олий мукофотга сазовор бўлдилар.

Стокголмдаги Каролина тиббиёт институти қошидаги Нобель қўмитаси қарори билан тиббиёт ва физиология соҳасидаги Нобель мукофоти бир америкалик ва икки нафар англиялик олимларга насиб этди. Улар Ленанд Х. Хартвел, Пол М.Нёс ва Тимоти Хантлар бўлиб, бу олимлар Нобель муофотига тўқима цикларида юз берадиган ўзгаришларда генлар ва оқсиллар алмашинувларининг ролини ўрганиш соҳасидаги инсон ҳаёти учун жуда муҳим бўлган тадқиқотларни ўтказганликлари, жумладан рак касаллигини даволаш ҳамда шу жараёнларда қўлга киритган оламшумул илмий ютуқлари учун эришдилар.

Ленанд Х. Хартвел, 1939 йили АҚШда туғилган. Сиэтл шаҳридаги ракни ўрганиш бўйича Фред Хатчинсон илмий-тадқиқот маркази етакчи олими.

Пол М. Нёс, 1949 йили Лондонда туғилган. Лондондаги ракни ўрганиш Империя илмий-тадқиқот фонди профессори.

Тимоти Хант, 1943 йили Лондонда туғилган. Лондондаги ракни ўрганиш Империя илмий-тадқиқот фонди профессори.

Маълумки, тинчлик соҳасидаги Нобель мукофоти Норвегия Нобель Қўмитаси томонидан берилади. 2001 йил якунлари бўйича бу мукофотнинг ярми Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (БМТ) иккинчи ярми эса шу ташкилот Бош котиби Кофи Ананд-га бериладиган бўлди. Бу улуғ ташкилот ва унинг раҳбари ушбу олий мукофотга ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлдилар.

Кофи Ананд ўзининг бутун умрини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бағишлаган инсондир. Бу ташкилотнинг Бош котиби лавозимида ишлаш давомида у буюк инсонпарвар шахс сифатида жаҳонга танилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, СПИД офати ва халқаро терроризмга қарши кураш каби масалаларни ҳал қилишда ҳамда БМТнинг маблағларини оқилона фойдаланишда бош-қош бўлди.

Адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти англиялик ёзувчи В.С. Нейполга насиб этди. Бу ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида алоҳида мақола тайёрлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Яна иқтисод соҳасига қайтамиз ва янги совриндорлар билан сизларни яқиндан таништирамиз. Швейцария банки томонидан Алфред Нобель хотира совринларига уч нафар америкалик иқтисодчи олимлар муяссар бўлдилар. Улар А.Жорж, А.Акерлоф, Майкл Спенс ва Жозеф Е. Стиглитзлардир.

Ушбу иқтидорли америкалик олимлар бу мукофотга "Асимметрик маълумотлар ёрдамида бозор муаммоларини анализ қилиш" соҳасидаги етук илмий ютуқлари учун лойиқ деб топилдилар.

Жорж А. Акерлоф, 1940 йили АҚШнинг Коннектикут штатидаги Нью-Хэвен шаҳрида дунёга келган. 1966 йилдан фан доктори. Ҳозирги кунда Берклидаги Каролина университетида иқтисод фанлари бўйича профессор.

А. Майкл Спенс, 1943 йили Нью-Жерси штатидаги Монтклэре шаҳрида туғилган. 1972 йилдан фан доктори. Гарвард ва Стэнфорд университетлари профессори.

Жозеф Е. Стиглитз, 1943 йили Индиана штатидаги Гэри шаҳрида туғилган. 1967 йилдан фан доктори. Пристон, Йел, Оксфорд ва Стэнфорд университетлари профессори, Жаҳон банкининг бош иқтисодчиси.

Мақолаларни йил бўйи тайёрлаш ва ёритиш жараёнларида газетхонлардан кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Ана шундай саволлардан бири математика соҳасида ижод қиладиган олимларга Нобель мукофотининг берилмаслиги сабаби тўғрисидадир. Бу ҳақда турли фикр ва тахминлар мавжуд бўлиб, биз кейинги мақолаларимиздан бирида шу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Иброҳим КАРИМОВ,
Физика-математика фанлари доктори,
Абдумажит ТЎРАЕВ
Физика-математика фанлар номзоди

ИҚТИСОДИЙ ҚАМАЛ

Президент Жорж Буш 4 штатнинг ўзидаги банкларда 62 нафар шахснинг ва ташкилотларнинг "Ал-Қоида" билан алоқадорликда гумон этилиб ҳисоб рақамлари музлатиб қўйилганлигини маълум қилди. Бундай ишлар аниқ фактларга асосланган ҳолда амалга оширилди. Шунингдек, Буш "Ал-Тақво", "Ал-Баракот" компаниялари ваколатхоналари фаолиятига ҳам чек қўйилганлигини айтди. Унинг фикрича, мазкур компаниялар "Ал-Қоида" га Интернет хизмати, телефон алоқаси ҳамда қурол-яроғ билан таъминлаш борасида кўмак берган. Бундан ташқари, Оқ уй раҳбари хорижий давлатлардан ҳам Бин Лоден билан алоқадор ҳисоб рақамларни музлатиб қўйилишини яна бир бор сўраган. Ҳозирга қадар Қўшма Штатларнинг ўзида "Толибон" ҳамда "Ал-Қоида" ташкилотларига тегишли 24 миллион , чет мамлакатларда эса 43 миллион доллар музлатиб қўйилди.

УРАН САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР

Туркия полицияси ядро қуроли ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган уран моддаси савдоси билан шуғулланувчи икки жиноятчини ҳибсга олди. Полиция маҳкамаси вакилининг билдиришича, улар 2 кг миқдоридаги уранни 750 минг АҚШ долларига сотиш ниятида бўлганлар. Жиноятчиларнинг айтишларича эса, бундай камёб моддани бир ой муқаддам келиб чиқиши россиялик бўлган кишидан харид қилишган экан. Маълумотларга кўра, собиқ СССР республикаларидан бирида уран ишлаб чиқарилиб, Совет Иттифоқи парчаланган йилларда қора бозорда кимёвий ва радиактив моддалар тез-тез сотувда пайдо бўлиб қоларди. Сўнгги уч ой мобайнида Туркия полицияси радиактив моддалар савдоси билан шуғулланишга ҳаракат қилган 6 нафар фуқарони ҳибсга олдилар.

ОПЕРАЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Афғонистон шимолий-шарқидаги Толибонларнинг муҳим стратегик истеҳкомлари сўнгги 12 кун ичида 8 маротаба АҚШ ҳаво ҳужумларига учраган.

Шимолий Иттифоқ эса Қобул шаҳрини эгаллаш мақсадида 7 минг кишилик аскар билан ҳаракат қилмоқда. Генерал Дўстум кучлари яқин кунларда Мозори-Шарифни қўлга киритмоқчи.

АҚШ ҳаво кучлари Ветьнам ва Ироқда қўлланилган "BLU—82" бомбасини Афғонистонга ҳам ташлай бошлади. Бундай қудратли бомба 1,8 км баландликдан ташланмаса самолётнинг ўзига ҳам хавф туғдиради, шунингдек, у тушган жойида 5 та футбол майдонига тенг ҳудудни қўпориб ташлаш хусусиятига эга.

ЯПОН КЕМАЛАРИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Кеча Япония жанубий ғарбидаги Сасабо портидан чиққан учта кема ҳинд денгизи томон йўл олди. Мамлакат бош вазири Дуюнитиро Кондзумининг айтишича, мазкур кемалар Афғонистондаги антитеррор кампаниясида АҚШ ҳарбийларига разведка маълумотлари тўплашда ёрдам берадилар.

Япон кемалари бир ҳафтадан сўнг ҳинд денгизига кириб келиши керак.

Бошқа бир манбаларга кўра, "Толибон" ҳаракатини қўллаб-қувватлаш мақсадида Афғонистонга келган 85 нафар покистонлик жангарилар операция вақтида ҳалок бўлган.

"Мен баъзи бир сабабга кўра маълум муддатга куй яратмай қолсам, ўзимни кўярга жой топа олмайман.

САМАРҚАНДДА СУРАТГА ОЛИНГАН ФИЛЬМ

Яқинда ойнаи жаҳонда намойиш этилган "Остона" кўп қисмли бадиий фильми кўпчиликка маъқул бўлди. Фильмда мустақил юртимиз сарҳадларини ҳушёр қўриқлаётган ватан посбонлари, уларнинг она диёрга, халқимизга бўлган чексиз муҳаббати, ёвга нафрати қизиқарли лавҳаларда ҳикоя қилинади.

Фильм режиссёри Шавкат Маҳбубов кўп йиллар "Ўзбекфильм"нинг директори бўлиб ишлаган, ўнлаб ҳужжатли фильмлар яратган. У бадиий фильмларни ҳам суратга олишни орзу қиларди. Унинг орзуси амалга ошди — телевидение экранида намойиш этилган "Сардор" бадиий фильми томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Тўрт қисмли "Остона" фильмини "Сардор"нинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Фильм сценарийсини Юсуф Розиқов ёзган. Фильм Самарқанд ҳарбий муҳандислик ва автомобиль командирлари олий ҳарбий билим юртида суратга олинган. Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг суратга олувчи гуруҳи фильм ижодкорларига яқиндан кўмаклашди.

— Биз ўз олдимизга ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда юрт ҳимояси — муқаддас бурч, деган туйғуни, она юртга садоқат билан хизмат қилишдан фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини уйғотишни бош вазифа қилиб қўйган эдик, — деди Шавкат Маҳбубов, — ижодий гуруҳимиз ўз мақсадига эришди, деб ҳисоблайман. Ҳақиқий баҳони эса томошабинлар беради.

ФРАНЦИЯ КИНОСИ КУНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Ўзбеккино" Давлат акционерлик компанияси, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси ташаббуси ва ҳамкорлигида Республика Киночилар уйида "Кино ва адабиёт" рукни остида "Франция киноси фестивали" ўтказилди.

Юртимизда чет эл кино ҳафталикларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолганлигидан мухлисларимиз хабардор. Бир неча йилдирки "Европа киноси кунлари" номи остида Италия, Франция, Германия, Чехия, Буюк Британия каби бир қатор давлатларнинг энг сара киноасарлари ўзбек томошабинларига ҳавола этилмоқда. Ушбу томошалар мухлисларга чет эл мамлакатлари киносининг бугунги кундаги ютуғидан хабар бермоқда. Замонавий кино санъати билан яқиндан танишиш имконини туғдирмоқда.

Франция кинолари ҳам юртимизда кўплаб намойиш этилади. Ушбу фестивалга франциялик киноижодкорларнинг тўртта бадиий фильми келтирилди. Булар "Китобхон аёл", "Тиниб-тинчимас Бомарше", "Бовари хоним", "Сохта яқин одам" фильмларидир. Фильмлар француз тилида ва таржима қилинган вариантда томошабинларга ҳавола этилди. Франция дейилганда барчанинг кўз ўнгига энг нафис ва кўркам либослар, муаттар бўй таратувчи атир-упалар, нозик ва жозибадор хонимлар келади. Шунданми, француз фильмлари ҳам ўта нафисликдан, жозибадорликдан холи эмас. Киноасарларда инсоний муносабатлар, энг олий туйғу ҳисобланган муҳаббат, умуминсоний қадриятлар тараннум этилади. Намойиш этилган фильмлар қаҳрамонлари образини Франциянинг кўзга кўринган актёрлари ва актрисалари ижро этишган. Бу ўринда жаҳон киноси юлдузлари деб эътироф этиладиган Изабель Юппер, Сандрин Киберлен, Мишель Пикколи, Жан Ян сингари актёрларни санаб ўтиш жоиз.

Режиссёр Мишель Девилнинг "Китобхон аёл", Клод Шабролнинг ёзувчи Густав Флобер асари асосида яратган "Бовари хоним" фильмлари француз киносида кечаётган ижодий жараёнлар, услубий изланишлар, янгича оқимларни акс эттирган.

Франция киноси фестивали юртимизда иккинчи бор ўтказилди.

Яна бир гап. Жаҳон киноси юлдузи Изабель Юппер "Пианиночи аёл" фильмида ўйнаган роли учун яқинда ўтказилган Канн фестивалининг "энг яхши аёл ижрочиси" унвонига сазовор бўлганди. "Бовари хоним" ва "Сохта яқин одам" фильмларида ҳам бош ролларни қойилмақом қилиб ижро этган актрисани ўзбек томошабинлари ҳам севиб қолишганлиги, шубҳасиз.

Зеро, санъат кишиларни дўстликка ва биродарликка чорловчи энг қудратли воситадир.

ЭНГ УЛКАН СУРАТ

Владивостоклик фоторассом Махаил Павин дунёдаги энг катта фоторасмни тайёрлади. Унинг узунлиги 66.54 метр бўлиб, шаҳар манзараси ва одамларнинг турмуши акс этган. Бундан аввалги рекордни японялик фоторассом буёнд этган эди. Расмнинг узунлиги ўшанда 54 метрга етганди.

«КИНОТАВРИК» СОЧИДА ОЧИЛДИ

Яқинда Россиянинг Сочи шаҳрида анъанавий бўлиб қолган "Анапа" кинофестивали ўтказилган эди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган фильмлар намойиш этилганди. Фестивалда ўзбек киноижодкорлари яратган, Зулфиқор Мусоқов режиссёрлик қилган "Ойижон" фильми ҳам қатнашиб совринли ўринлардан бирига сазовор бўлганди.

Сочиликлар ўтказиш ҳадисикилли, куни кеча ўтказилаётган кинофестивални олишди шебиринчи бор халқаро болалар киноси фестивали—"Кинотаврик" ҳам Сочида очилди. Унда 21 та фильм намойиш этилмоқда. Саккиз мамлакатдан ташриф буюрган болалар киноси ижодкорлари ўз фильмларини кўрсатишади. Бу фестивални ўтказишга россиялик кино ишлаб чиқарувчиларнинг сўнгги етти йил давомида болалар учун фильмлар суратга олмаганликлари сабаб бўлди.

Фестивалга 800 нафардан зиёдроқ "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланаётган ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари келишди. 60 нафардан ортиқ болакай Чечнистондан таклиф этилган. "Кинотаврик"нинг президенти таниқли телебошловчи Юрий Николаевдир.

Ҳурматли меҳмон сифатида Сочи "итальян булбули" Робертино Лореттини таклиф қилган. Сабаби у жудаям кичкина бўлган пайтда, ўтган асрнинг 50-йилларида бутун дунёга машҳур бўлган эди. Ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда, кинофестивалга Россия президентининг рафиқаси Людмила Путина ҳам ташриф буюриши керак.

«ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ»

Яқинда ана шу номда "Ўзбекрақс" бирлашмаси тизимидаги халқ чолғу оркестрининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижери Мустафо Бафоев учун мусиқа яратиш, куй басталаш ҳаёт тарзига айланган. "Мен баъзи бир сабабга кўра маълум муддатга куй яратмай қолсам, ўзимни қўярга жой топа олмайман. Худди нафас етишмаётган одамдай карахт бўлиб қоламан" дейди ижодкор. У бир қанча хор акапеллалари, вокал-симфоник, камер-чолғу, симфоник, саҳна асарлари, ўзбек чолғулари оркестри учун кўплаб куйлар яратди.

"Ўзбекрақс" қошида оркестр ташкил қилиш фикри бирлашма бош директори Юлдуз Исматова ташаббуси, раҳбарлиги ва композиторнинг бирлашма билан ижодий ҳамкорлиги асосида юзага келди. Бунда бир йил тинимсиз қилинган ижодий меҳнат, юксак салоҳиятли созандаларни танлаб олиш, янги жамоа учун янги асарлар яратиш, қисқаси барча ташкилий ижодий машаққатлар босиб ўтилди. Ўзининг ижро услуби, салоҳияти, техник маҳоратига эга бўлган оркестр ташкил топди.

Мутахассислар фикр ва мулоҳазаларига таянган ҳолда, янги ташкил топган ижодий жамоа репертуари, ижрочилик маҳорати ва салоҳияти халқаро талаб даражаларига тўла мос келади, дейиш мумкин.

Элвира ЯФАСОВА

"МЕН НЕЧУН СЕВАМАН, ЎЗБЕКИСТОННИ?"

Халқимизнинг ардоқли санъаткори, яқиндагина Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган хонанда Нуриддин Ҳайдаров пойтахтдаги "Зарафшон" концерт залида "Мен нечун севаман, Ўзбекистонни?" деб номланган янги концерт дастурини намойиш этди.

Ҳар бир фарзанд ўз онасини яхши кўради, лекин нима учун яхши кўришини билмайди. Ҳар бир инсон ўз ватанини севади, аммо нима учун севишини айтиб бера олмайди. Уларнинг Ватанга, онага, ёрга, фарзандга, қўйингки, бутун мавжудотга бўлган муҳаббатлари қилаётган ҳатти-ҳаракатларида, ишларида намоён бўлади.

Нуриддин Ҳайдаров ҳам янги дастурида асосан Ватан, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги тараннум этилган қўшиқлар куйлади. Муҳаббат, унинг изтироблари, ота-она олдидаги фарзанд-лик бурчи мадҳ этилган қўшиқлар ҳам йиғилганларга маънавий завқ берди.

МИЛЛИЙ ТЕАТРДА МУМТОЗ АШУЛАЛАР ЯНГРАЙДИ

12 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий театри биносида халқимизнинг ардоқли ҳофизи, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ўз мухлисларига янги концерт дастурини намойиш этади.

Ота-боболаримиз томонидан эъзозланган, ардоқланган мумтоз куй-қўшиқларнинг бугун янада сайқал топиб, мукаммаллашиб бораётганлигини кўриб киши қувонади. Фаттоҳхон Мамадалиев, Жўрахон Султонов, Муроджон Аҳмедовлар изидан бориб, уларнинг руҳини шод этиб келаётган санъаткорлар орасида Муножот Йўлчиеванинг ўз ўрни ва роли бор.

Концерт дастурини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўткир Сиддиқов олиб боради. Бадиий раҳбар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаев.

Гўзал кошонада дилбар ашулалар эшитиш истагида бўлганлар, шошилинг!

Г.НОЗИЛҲОЖИЕВА

«ЛА СКАЛА»НИНГ ИЗДОШИ

Италиянинг маданият пойтахти деб ном олган Милан шаҳрида янги, дабдабали опера театри бунёд этилди. Бу санъат кошонасининг иш бошлашига дунёга машҳур "Ла Скала" театрида таъмирлаш ишлари кетаётганлиги сабаб бўлди. "Театро Делья Арчимбольди" деб номланган бу опера ва балет театри катталиги жиҳатидан дунёда Париждаги мана шундай маскандан кейин иккинчи ўринда туради. У 2002 йил бошида, аниқроғи 19 январда очилади. Опера театри ўз бағрига 2375 нафар томошабинни сиғдира олади. "Ла Скала" эса бундан 500 та кам инсон қабул қила оларди. Аммо саҳнанинг ўлчамлари худди эски театрникидек 16 га 12 метр. Худди мана шу ерда "Ла Скала"да намойиш этиладиган барча томошалар қўйилади. Янги театр шаҳарнинг шимолий-ғарбида қурилди. Бу даргоҳда опера залидан ташқари машқ хоналари, бир неча барлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, "Ла Скала" театридан "Театро Делья Арчимбольди"гача 900 ўринга мўлжалланган хиёбон ҳам қуриш кўзда тутилган. Яна ҳам қизиқарлиси икки театр ўртасида томошабинларни ташиш учун автобус қатнови ҳам йўлга қўйилади. Янги бино акустика, саҳна механизмларининг энг кичик деталларигача замонавий технология билан жиҳозланган. "Ла Скала"нинг суперинтендантти Карло Фонтана янги театр Миланнинг энг кўркам ва диққатга сазовор жойи бўлиб қолади, деб таъкидламоқда.

Кейинчалик, "Театро Делья Арчимбольди", "Ла Скала" иш бошлаган пайтда ҳам у билан параллел равишда томошалар кўрсатаверади.

26 ЖАМОА ИЧИДА 6-ЎРИН

Каратэчиларимиз Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган V Осиё чемпионатига жўнаб кетганлиги ҳақида аввал хабар бергандик. Унда жами 12 нафар спортчимиз иштирок этиб қайтди.

Каратэ ватани бўлмиш Осиёнинг 26 жамоаси орасида вакилларимиз кучли олтиликдан ўрин олиши қувончли ҳол бўлди. София Каспулатова (60 кг вазнда) олтин, мутлақ вазнда эса кумуш медални қўлга киритди. Азамат Қаландаров (80 кг), Дониёр Холматов (75 кг), Владимир Корш (60 кг)лар ўз вазн тоифаларида бронза медалига муносиб кўрилди. Энг асосийси, спортчиларимиз қитъа чемпионатида юртимиз байроғини кўкка кўтарди.

ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРДИ

Тайланднинг Патая шаҳрида ўтказилаётган турнирда биринчи рақамли иштирокчи бўлган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова илк даврада белоруссиялик теннисчига имкониятни бой бериб қўйди. Бу турнир мусобақа WTAнинг сўнгги турнири бўлиб, мукофот жамғармаси 110 минг АҚШ долларини ташкил этди.

ПОЛЬШАЛИКЛАР ЯХШИ НАТИЖА КЎРСАТДИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида польшалик спортчи қиз ўн тўққиз ёшли Александра Клейнова яхши натижа кўрсатди ҳамда бош мукофотни қўлга киритди. Иккинчи ўрин хитойлик Лю Бинга насиб қилган бўлса, учинчи ўринга яна бир польшалик спортчи Мариэта Готфрид кўтарилди.

ЭНГ БОЙ ТЕННИСЧИЛАР

Халқаро теннис ташкилоти барча теннисчиларнинг йиллик даромадини эълон қилди. Унга кўра дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси бразилиялик Густаво Куэртен мавсум давомида 2 миллион 351 минг доллар ишлаб, биринчи ўринни банд этди. Иккинчи ўринни эса австриялик Лейтон Хьюит 2 миллион 250 минг доллар билан эгаллаб турибди. Шунингдек, Андрей Агаси мавсум давомида 1 миллион 881 минг доллар фойда қилиб, учинчи ўринни банд этиб турган экан.

VIII ХАЛҚАРО ТУРНИР

Юртимиздан етишиб чиққан шоҳмотчилар ҳозирда жаҳон ареналарида ҳам кенг қамровли баҳслар юритмоқда. 20-30 ноябрь кунлари пойтахтимизнинг "Юнусобод" теннис мажмуида "Труд" газетаси соврини учун VIII халқаро турнир бўлиб ўтади. Баҳсларда МДҲ давлатларининг деярли барчасидан иқтидорли ёш спортчилар қатнашиши кутилмоқда.

БАҲС ДАВОМ ЭТМОҚДА

Келаси йил Корея ва Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатидан хабарингиз бор. Унда қатнашиш имконини берадиган йўлланмалар учун саралаш баҳслари давом этмоқда. Чемпионатда 32 та жамоа қатнашади. Ҳозирги кунгача эса 24 та йўлланма нақд қилиб қўйилди. Қолган йўлланмалар учун қизғин баҳслар бўлмоқда. Шулардан бири Германия ва Украина баҳслари эътиборга моликдир. Чунки бугун ва 14 ноябрь кунлари Украина терма жамоаси жаҳон чемпионати учунгина эмас, балки 50 миллион кишилик миллат шаънини ўйлаб, тўп сурадилар.

ЧЕМПИОНЛАР ОЛҚИШЛАНДИ

Газетамизда хабар берилганидек, пойтахтимиздаги Марказий Ҳарбий спорт клубининг заҳира ўйинғоҳи ва "Чилонзор" ўйинғоҳида футбол мактаб-интернатлари ўртасида V республика финал мусобақалари қизғин курашлар остида ўтди.

Икки ёш тоифасида 1985-86 ва 1987-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги учрашувларни кузатиб, ёш футболчилар орасидан иқтидорли ўринбосарлар етишаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ўйинғоҳларда тўрт кун мобайнида ҳар икки ёш тоифасидагиларнинг ўйинларини кузатар эканмиз, ёш футболчиларнинг ғалаба иштиёқида ҳаракат қилганликларини кўриб, беҳад завқландик. Қуёш чарақлаб турган тўрт кун мобайнида ўтказилган командалар ўйини таҳлил этиладиган бўлса, чемпионлик ва совриндорлик учун даъвогарлар яққол кўзга ташланади. Сирдарё вилоятидаги Янгиер футбол-интернатининг 15-16 ёшдаги ўсмирлар командаси биринчи учрашувда бухоролик тенгдошлари устидан 0:1 ҳисобида устун келган бўлишса, самарқандликлар билан биттадан очкони (1:1) баҳам кўришди, андижонликлар устидан 1:4 ва Шофиркон командаси устидан 0:2 ҳисобида ғалаба қозониб, ўз гуруҳларида 10 очко билан пешқадамлик қилиб туришибди. Ушбу гуруҳда тўп сураётган Самарқанд футбол мактаб-интернати командаси иккита ғалаба ва иккита дуранг натижа билан 8 та очко жамғариб, иккинчи ўринда бораётир. 8 ноябрь куни Бухоро ва Самарқанд командалари учрашувини томоша қилиб, 2:1 ҳисобида ўйинни бой бераётган самарқандлик жамоа аъзоларининг астойдил ҳаракатлари натижасида мағлубиятдан қутилиб қолганлари (2:2) гувоҳи бўлдик.

Мазкур гуруҳда Бухоро командаси битта дуранг, иккита ғалаба ва битта мағлубият билан 7 очко жамғариб, турнир жадвалининг учинчи поғонасидан жой олиб турибди. 9 ноябрдаги якунловчи тур учрашуви турнир жадвалига ойдинлик киритиши ва чемпионларни аниқлаши, шубҳасиз.

Ўн уч-ўн тўрт ёшдаги ўсмирлар гуруҳлари ўртасидаги учрашувлар ҳам мухлислар ва мутахассислар эътиборини жалб этди. Ёш футболчилар чапдастлик билан тўпни олиб юриш, бир-бирларига аниқ ошириш, дарвозани аниқ нишонга олиш, ҳимояда маҳорат кўрсатиш қобилиятларини эгаллаётганликларини намойиш этишди. Бу ўринда гуруҳ пешқадами Бухоро мактаб-интернати командаси ўйинлари таҳсинга лойиқ. Андижон, Фарғона, Ғузор командалари устидан йирик ҳисобда ғалаба қозониб, 9 очко тўплаган футбол жамоаси 8 ноябрь куни Хоразм мактаб-интернати билан учрашувда ҳам шижоат кўрсатди. Муросасиз ўтган баҳс дуранг (1:1) натижа билан якунланди ва 10 очко жамғарилди.

Мазкур гуруҳда Наманган ва Хоразм мактаб-интернати жамоалари 7 тадан очко билан иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб келаётирлар. Фарғона мактаб-интернати дастлабки икки учрашувда Ғузор ва Бухоро жамоаларига ўйинни бой берган бўлса, Наманган (2:1) ва Андижон (2:0) командалари устидан ғалаба қозониб, 6 очко соҳиби бўлди. Қашқадарёдаги Ғузор мактаб-интернати 4 очко билан турнир жадвалининг бешинчи поғонасидан жой олди. Андижон командаси эса бирорта ҳам очкони қўлга киритаолгани йўқ.

Кеча, 9 ноябрь куни ҳар икки ёш гуруҳларида сўнгги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Кичик ёш гуруҳларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

Ғузор — Андижон —	0:4
Бухоро — Наманган —	1:0
Фарғона — Хоразм —	1:2

Катта ёш гуруҳлари учрашуви натижалари:

Бухоро — Шофиркон—	3:0
Самарқанд — Андижон—	6:0
Янгиер — Фарғона —	0:3

Республикамиз пойтахтида беш кун давом этган футбол мактаб-интернатлари V республика биринчилиги баҳслари якунларига кўра икки хил ёш гуруҳларида чемпион ва совриндорлар аниқланди.

Мусобақа якунига кўра катта ёшдаги ўсмирлар гуруҳида II очко жамғарган Самарқанд мактаб-интернати жамоаси республика чемпиони бўлди.

Янгиер (10 очко) ва Бухоро (10 очко) командалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Кичик ёшдагилар гуруҳида 13 очкони қўлга киритган Бухоро командаси биринчи ўринни эгаллади. 10 очко тўплаган Хоразм командаси иккинчи, 7 очко жамғарган Наманган спортчилари учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Марказий Ҳарбий спорт клуби ўйинғоҳида мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Мусобақа бош ҳаками Бобур Ҳайдаровнинг спортчилар саф тортганлиги ҳақидаги ахборотидан сўнг Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Алимов ёш футболчиларни қутлаш учун Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раисининг ўринбосари А.Очиловга сўз беради. Нотиқ умидли ёш спортчиларга мамлакатимизда футболни ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритишларига ишонч билдирди.

Ҳар икки ёш тоифасидаги командаларга Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгашининг I даражали дипломлари ва кўчма биллур футбол кубоклари топширилди. Совринли ўринларни эгаллаган командаларга тегишли диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Шунингдек, "Энг яхши дарвозабонга", "Энг яхши ҳимоячига", "Энг яхши ярим ҳимоячига", "Энг яхши ҳужумчига", "Энг яхши тўпурарга", "Энг истиқболли ўйинчига" ва "Энг яхши ҳакамга" Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Ўзбекистон Футбол федерациясининг бош котиби Б.Раҳимов мусобақа қатнашчиларига туҳфа сифатида 60 та футбол тўпини топширди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев, вазирлик ва Давлат Спорт қўмитаси вакиллари иштирок этишди.

Ғ.МАННОПОВ

Ўқув муассасалари ходимлари, кутубхоначилар ва китобхонлар диққатига!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. *"Конституция алифбоси" — 1-синф (янги алифбода);*
2. *"Конституция алифбоси" — 2-синф (янги алифбода);*
3. *"Конституция алифбоси" — 3-синф (янги алифбода);*
4. *"Конституция алифбоси" — 4-синф (янги алифбода);*
5. *"Ўзбекистон тарихи" — 6-синф (янги алифбода);*
6. *Т.Салимов "Жаҳон тарихи" — 7-синф (янги алифбода);*
7. *"Конституциявий ҳуқуқ асослари" — 9-синф;*
8. *Г.Ҳидоятов "Жаҳон тарихи" — 10-синф;*
9. *Н.Жўраев "Ўзбекистон тарихи" — 11-синф;*
10. *Э.Сариков, М.Маматов "Иқтисодиёт ва бизнес асослари" — 9-11-синф. Ўқув қўлланма.*
11. *Э.Сариков, М.Маматов "Иқтисодиёт ва бизнес асослари" — 9-11-синф. Амалий машғулотлар.*

Тожик мактаблари учун:

1. *"Ватан туйғуси" — 5-синф тожик тилида;*

Рус мактаблари учун:

1. *М.Тохтаходжаева "Русский язык" — 2-класс;*
2. *"Путешествие в мир конституция" — 5-класс*
3. *С.Зинин "Русский язык" — 5-класс;*
4. *"Русский язык" — 6-класс;*
5. *"Литература" — 6-класс;*
6. *"Русский язык" — 7-класс;*
7. *"История Узбекистана" — 8-класс;*
8. *"Русский язык" — 8-класс;*
9. *"Конституционное право" — 9-класс*
10. *"Правоведение" — 10-11-класс;*
11. *Г.Ҳидоятов "Всемирная история" — 11-класс.*



Яқин кунларда қуйидаги дарсликлар чоп этилади:

Ўзбек мактаблари учун:

1. "Конституция оламига саёҳат" — 6-7-синф;
2. "Ўзбекистон тарихи" — 8-синф;

Рус мактаблари учун:

1. "Русский язык" — 4-класс;
2. "Путешествие в мир конституции" — 6-7-классы;
3. "История Узбекистана" — 6-класс;
4. "Всемирная история" — 7-класс;
5. "История Узбекистана" — 10-класс;
6. "История Узбекистана" — 11-класс;

"Шарқ" зиёкори китоб дўконида ва унинг вилоятларда очилган филиаллари орқали дарсликлар, бадиий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги ва болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китоблар кенг ассортиментда тақдим этилган.

Дарсликларни нақд ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин. Улгуржи харидорларга дарсликлар учун чегирма (скидка) берилади. Биз билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.



Манзилларимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, "Шарқ Зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номли театр), тел: 133-58-72, 133-35-90, М.Отатурк кўчаси, 41 (мўлжал: "Шарқ мир" супермаркети). Тел: 152-67-73, 136-54-57, 136-56-55.

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси-11; Жиззах шаҳри, Жиззах политехника институти биносида; Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси-71; Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси-104; Наманган шаҳри, Банковская кўчаси-9; Хива шаҳри, "Ичан қалъа" кўриқхонасида; Навоий шаҳри, В.Булат кўчаси-6;

"Ака, сизга мен яна бир яхшилик қиламан ва энг кўп миқдорда жарима солиб, бу пулни кассага тўлашингизни айтаман" дейди.

"НИСО" КРОССВОРДИ



Бўйига: 1. Бир байтли лирик жанр. 2. Кўпчилик. 3. Алам, ғам. 5. Тун қуши. 7. Маъдан қазиб олинадиган маскан. 8. Ер ҳайдаш мосламаси. 9. Май, шароб. 10. Жануби-ғарбий Осиё ва Шимолий Африкадаги давлат. 11. Ҳижрий-шамсий ой. 12. Атмосферанинг асоси. 13. Кремнийли минерал. 15. Санъат тури. 18. ...-Де Жанейро. 20. Геометрик шакл. 21. Чўлпоннинг машҳур шеъри. 22. Ҳавонинг асосий таркибий қисми бўлган элемент. 23. Углеводород. 24. Деҳқоннинг дала уйи. 25. Чингизийлар давридаги ҳарбий унвон. 26. Мева. 27. Ёқилғи тури. 28. ...Фон Бисмарк. 32. Хўл мева. 34. Эрондаги мазҳаб. 36. Жануби-шар-қий Осиёдаги давлат. 37. Шимол дарахти. 38. Испания футбол клуби. 39. Ҳиндистондаги дарё. 40. Чора, имкон. 41. Италиядаги шаҳар. 46. Отамнинг опа-сингиллари. 48. Проза. 49. Сопол идиш. 50. Уруғи топилмайдиган қуш.

Энига: 1. Коинот, фалак. 3. Машҳур француз ёзувчиси, "Уч мушкетер"нинг муаллифи. 4. Тургенев асари қаҳрамони. 6. Юпқа мато. 8. Ахлоқ. 10. Сув йўли. 12. Физик катталик. 13.Увайсий чистонида таърифланган мева. 14. Доғистонда яшовчи халқ. 16. Ит зоти. 17. Илож, имкон. 19. Спорт тури. 21. Яқин қариндош. 23. Қишки оёқ кийими. 25. "Қуръони карим"даги суралардан бири. 27. Ширинлик тури. 28. Шон-шуҳрат, эътибор. 29. Кир ювиш кукуни номи. 30. Қуш аъзоси. 31. ...— қумурсқа. 33. Гиёҳванд модда: ўсимлик. 35. Фарёд. 37. Эвкалипт дарахтидан олинадиган мой. 39. Осиё қитъасидаги энг катта чўл. 41. Чекка жой. 42. Тот. 43. Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёвлари. 44. Узоқ, йироқ. 45. Мақол. 47. Бойлик. 49. Қон сўрувчи ҳашорат. 51. Пойдевор, тамал. 52. Ҳашаматли бино. 53. Ҳеч қачон.

Тузувчи: Рўзимурод БОЛҚИЕВ, Қўшработ туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Shunaqasi ham bo'ladi

ТОҒ СУЛАЙМОННИНГ ОЛДИГА КЕЛГАНДА...

Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани ҳудудидаги қишлоқлар тарқоқ ҳолда, яъни Нурота тоғ тизимлари ва Оқтовнинг ён бағирларида жойлашган. Шу боис, бу ерда мотоциклдан кўпроқ фойдаланишади. Бироқ, туман марказларидагиларни ҳисобга олмаганда яқин-яқинга қадар мазкур мотоцикларнинг деярли аксариятида давлат белгиси бўлмасди. Албатта, бунга бир жиҳатдан зарурат йўқ. Сабаби, уловлардан фақат ён-атрофда фойдаланишади. Яна бир томони, мазкур белгиларни олиш учун 100 километрдан зиёд узоққа — Каттақўрғонга бориб олиб келишга ҳамманинг ҳам тоби йўқ.

Қисқаси, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ботир Турсунов мазкур муаммони бартараф этиш учун амалий ишга киришади. Яъни, Каттақўрғондаги давлат белгиси ва ҳайдовчилик гувоҳномасини берувчи идоранинг масъул раҳбарларини Қўшработга чиқаради ва дарҳол "Мотоцикл" тадбирини ўтказиб, давлат белгиси бўлмаган барча уловларни туман ички ишлар идорасига йиға бошлайди.

Бу тадбир асосан бозорларда амалга оширилади ва икки-уч кундаёқ тумандаги 75-80 фоиз мотоцикллар ички ишлар бўлимига йиғилади. Уловини қидириб келган кишиларга эса, оғайнилар мана шунча вақт ҳайдовчилик гувоҳномасисиз ва давлат белгисисиз мотоцикл бошқардингизлар. Сизлар учун Каттақўрғондан ҳайдовчилик гувоҳномасини берувчи ваколатли идора вакиллари келишган. Уларга йўл қоидаси ва мотоциклни амалда бошқариш бўйича имтиҳон топширсангиз, бас. Зарур тўловларни давлат хазинасига тўлайсиз, дейишади. Шунингдек, қонун бўйича бу вақтгача рухсатномасиз, яъни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз техника воситасини бош-қарганлар учун айбига яраша зарур миқдорда жарима ҳам солинади.

Бундай ҳаракатни тўғри тушунган кўпгина кишилар ўзларига яратилган имтиёздан хурсанд бўлиб, туман ички ишлар бўлими ходимларига миннатдорчилик билдириб кетишади. Бироқ айримлар.

Мана шундай кишилардан бири ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун муваффақиятли имтиҳондан ўтадию, бу йўналишдаги зарур тўловларни тўлаб дарҳол мотоциклни олиш учун ЙПХ ходимига учрашади. ЙПХ ходими эса, энди илгариги қилган гуноҳлари, яъни шу вақтга қадар ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмасдан, техника воситасини бошқаргани учун жарима ҳам тўланг, деб қолади. Шунда ҳалиги киши сапчиб кетиб, ЙПХ ходимидан норози бўла бошлайди. ЙПХ ходими эса "Ака, мен сизнинг ўқитувчи эканлигингизни билиб, касбингизни ҳурмат қилиб кам миқдорда жарима солдим", — дейди.

Хуллас, бундан норози бўлган муаллим дарҳол ички ишлар бўлими бошлиғига келиб, ҳалиги ЙПХ ходими устидан арз қилади. Ботир Турсунов воқеа тафсилотини эшитгач, улар учун қилинаётган шунча яхшиликни ҳам тушунмаган бу кишига "Ака, сизга мен яна бир яхшилик қиламан ва энг кўп миқдорда жарима солиб, бу пулни кассага тўлашингизни айтаман" дейди.

Қарангки, бу жарима ҳам унинг Каттақўрғонга бир неча бор қатнаб, у ердан ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга кетадиган ҳаражатдан анча арзон экан.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, ИИВ Матбуот маркази катта инспектори

Ko'ngil bitiklari

ШЕЪР, ИЖОЗАТ БЕР...

Ўзлигим, бош узра кўтариб азот,
Менинг юрагим йўқ, менинг дардим бор.
Мудом мен ҳақимда қайғурма ҳаёт,
Менинг яшагим йўқ, менинг шартим бор.

Назм гулшанида посбон Алишер,
Олиб қочмоқчиман бир ғунча.
Шеър, ижозат бер, имкон бер,
Сени севмоқчиман ўлгунча.

Ҳамидулла АРСЛОНОВ, Уйчи тумани 15-мактаб ўқитувчиси

МУАЛЛИМЛАРГА

Ҳаётдан бериб таълим,
Курашга чорлаб ҳар чоқ.
Онам мисол муаллим,
Йўлимга ёқди чироқ.

Сўзидаги чин маъно,
Чархлади мурғак ақлим.
Устоз, сизга тасанно
Улуғлар Сизни халқим.

Ҳатто Навоий бобом,
Таълим олган сизлардан.
Адашмам юриб мудом,
Сиз кўрсатган излардан.

Лобар ПАРДАЕВА, Қарши шаҳридаги 5-мактабнинг 9-В синф ўқувчиси

1. Apennin yarimorolida yashagan qadimiy qabila. 2.Rimdan keyin etrusklar tomonidan bosib olingan shahar. 3. Qadimgi Rimni shimol tarafdan o'rab turadigan tog'lar. 4. Tarent hukmdorlari bilan ittifoq tuzgan Epir podshosi. 5. Qadimgi Rim konsuli- Mark Atiliy ... 6.Qadimgi Eney shohining avlodlaridan biri. 7. Galliya chegarasidagi daryo. 8. 54-yili imperator bo'lib saylangan Klavdiyning o'gay o'g'li. 9. Domisian o'limidan keyingi imperator. 10. Rimning qadimiy podsholaridan biri. 11. Apennin yarimorolini o'rab turuvchi dengiz. 12. Podshoh Eneyning o'g'li. 13. Rimda yashagan qadimiy qabila. 14. Etrusklarning boshqa nomi. 15. Ma'lum muddatga saylab qo'yiladigan kishilar idora qiladigan davlat. 16. Amfiteatr o'rtasidagi qum yoki qipiq to'kib qo'yiladigan, tomosha ko'rsatiladigan to'garak joy, sirk maydonchasi, sahna.17. Rim atrofidagi qadimiy yarimorol. 18. Miloddan avvalgi 452-yilda Rimga bostirib kirgan qo'shin nomi. 19. Qadimgi Rimda yashagan, yunonistonlik mashhur tabib. 20. Qadimgi Rimning o'tmish tarixi bilan shug'ullangan tarixchilardan biri. 21. Qadimgi rimliklar tomonidan ular sig'inadigan xudolardan biriga berilgan nom.

Tuzuvchi: Nurillo NO'MONOV, Andijon tumanidagi 3-o'rta maktab 6-sinf o'quvchisi

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА.
Навбатчи: Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-3017.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00